Март—баҳорнинг биринчи ойи... Қишлоқ хўжалигининг ҳамма ходимлари саноат меҳнаткашлари билан биргаликда кўкламни зарбдорларча кутиб олишга шай бўлиб турибди. Бизнинг шу йилдан умидимиз катта. Бу—пассив умидворлик эмас. Табиатдан марҳамат кутиб ўтирмаймиз, бу марҳаматни табиатдан олиш бизнинг вазифамиздир, деган ўткир ибора бор. Маълумки, биз ҳечкимдан марҳамат сўраган эмасмиз ва сўрамаймиз—совет халқи бойликларни ўз меҳнати билан яратмоқда ва шу меҳнатнинг самараларидан ўзи фойдаланмоқда.

Н. С. ХРУШЧЕВ.

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТЛАРИ, ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 43 (2334), | 2 март, шанба, 1963 йил. | Баҳоси 2 тийин.

Халқ номзодлари

КОЛХОЗ ФАХРИ

Ёш бригадир картошка ва сабзавотдан мўл ҳосил етиштиришда рекорд қўя бошлади. Унинг бригадасида етиштирилган маҳсулот фронтга ҳам юбориб турилди. Анвар бундан беҳад хурсанд эди. У икки йил бригадир бўлиб ишлагандан кейин колхоз кадрларини тайёрлайдиган мактабга ўқишга кетди. Мактабни муваффақиятли тамомлаб келгандан кейин, колхозда ҳосилот советининг раиси вазифасида ишлади.

Бир куни партком хонасига кириб секретарь Ҳошимжон Элбусиновга мурожаат қилди:

— Мени сизнинг ихтиёрингизга қўйсанглар!

— Майли, колхоз правлениесида кўриб чиқамиз.

Ниҳоят правление йиғилишида Анварнинг талаби қондирилиб, у янгидан тузиладиган пахтачилик бригадасига бошлиқ қилиб тайинланди.

1947 йилнинг эрта баҳорида Анвар Эгамназаров бригадаси колхозда биринчи бўлиб ерга чигит ташлади. Бутун ёз бўйи ғўзалар меҳр билан парвариш қилинди. Озиқлантириш ва суғориш агротехника қоидалари асосида ўтказилди. Ўша йили Анвар бригадасида ҳар гектар ердан 34 центнердан «оқ олтин» кўтарилди. Бу колхоздагина эмас, балки район бўйича ҳам энг юқори кўрсаткич эди.

Эгамназаров бригадасида ер майдони ҳам, ҳосилдорлик ҳам йил сайин ошиб бораверди. 1954 йилда 63 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнерга яқин «оқ олтин» йиғиб олинди. Ўша йили Москвага Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасига борди. Москвадан колхозга қайтиб келгач, бутун кучини пахтачиликни ривожлантиришга сарф қила бошлади. Партия ва ҳукуматимиз Анвар Эгамназаровнинг жонкуярлигини, фидокорона меҳнатини муносиб тақдирлади — унга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак унвон берилди.

Бу олий мукофот Анвар Эгамназаровни янгидан-янги меҳнат зафарлари сари етаклади. Мана, ўтган йилги натижаларни қаранг: меҳнатсевар бригада аъзолари 193 гектар майдоннинг ҳар гектаридан пландаги 34 ўрнига 42,6 центнердан «оқ олтин» кўтариб, катта ғалаба қозондилар.

Бу йил бригада аъзолари 193 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 45 центнердан «оқ олтин» кўтариш шиори остида астойдил меҳнат қилмоқдалар. Бригадада ҳозир экиш кампаниясига пухта тайёрлик кўрилмоқда.

Калинин районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг фахри бўлган, ҳамма ишнинг уддасидан чиқа оладиган тадбиркор бригадир, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Анвар Эгамназаровни 85-сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатишди. Бу уни янгидан-янги ғалабалар сари чорлайди.

З. ОТАХОНОВ.

ИШОНЧ КОМИЛ



1958 йилнинг баҳори эди. Хушбичим, зангори кўзлари меҳр билан боқувчи бир қиз механика цехига кириб келди. У тўғри цех мастери, кекса машинасоз ўртоқ Добрининга яқинлашиб:

— Мени сизнинг ихтиёрингизга юборишди, — деди.

— Хўш қизим, бизнинг участкада ишлайдиган бўлибсан-да? Жуда яхши. Бажонидил қабул қиламиз. Қани юр-чи, станогингни кўрсатиб қўяй, — деб станок ёнига бошлаб борди уни.

Қиз мураккаб агрегатни кўриб иккиланди шекилли тортинчоқлик билан:

— Ишни ўрганиб кетармикинман-а? —деди мастерга.

— Ҳамма ҳам бирданига уста бўлавермайди, қизим, танлаган касбни пухта эгаллаш учун тер тўкиб ишлаш, астойдил интилиш керак, — деди мастер, — Мақсадинг асл бўлса истаганингга албатта эришасан.

Ираида дилкаш мастернинг станокда деталларни қандай ишлаш кераклиги ҳақидаги насиҳатларини қулоғига қўрғошиндек қуйиб олди. У бутун борлиғи билан ишга берлиб кетди...

Хаш-паш дегунча орадан беш йил ҳам ўтди. Ираида йил сайин ўзи танлаган пармаловчилик касбининг икир-чикирлари г а ч а пухта эгаллайборди. Билмаганларини бошқалардан сўраб ўрганишдан тортинмади. Ўз малакасини ошириш устида эринмай ишлади. Чарчашни билмади, кўнглини қўйиб ишлаганлиги учун кўп ўтмай пешқадам ҳамкасблари қаторидан муносиб ўрин олди. Эндиликда эса у ишда ҳам, юриш-туришда ҳам, ахлоқда ҳам барчага ўрнак бўляпти. Вазифанинг қанчалик мураккаб бўлишидан қатъий назар нормасини бир ярим баравардан орттириб бажармоқда, нуқул аъло сифатли маҳсулот бераётир. Унинг меҳнатидан бутун цех коллективи беҳиҳоя мамнун. Ишчиларимиз унинг номини зўр ҳурмат билан тилга олишади.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзодлар кўрсатишга бағишланган йиғилишга тўпланган ишчилар механика цехининг пармаловчиси, Ираида Андреевна Нестеренкони 21-Киров сайлов округидан республикамиз олий органи депутатлигига номзод қилиб кўрсатишга қарор қилдилар. Бу эндигина 27 баҳорни кўрган ёш жувонга кўрсатилган катта ишонч эди.

Ж. ПИРМУҲАМЕДОВ,
М. АҲМАДЖОНОВА,
В. АГЕЕВ

«Ўзбексельмаш» заводи ходимлари.

ИЛҒОР ТАЖРИБА—ОММАГА!

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ САНОАТ ВА ҚУРИЛИШГА РАҲБАРЛИК БЮРОСИ ТОШКЕНТ ЭКСКАВАТОР ЗАВОДИ ИНЖЕНЕР-ТЕХНИК ХОДИМЛАРИНИНГ ТАШАББУСИ ТЎҒРИСИДА

Тошкент экскаватор заводининг инженер-техник ходимлари партия XXII съезди ва КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленумининг меҳнат унумдорлигини ҳар тарафлама ошириш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархини камайтириш юзасидан чиқарган қарорларини муваффақиятли амалга оширишга интилиб, экскаватор тайёрлашга меҳнат сарфини камайтириш юзасидан қимматли ташаббус кўрсатадилар.

Корхонанинг техника интеллигенцияси шундай қарорга келдики, инженер ва техникларнинг ҳар бири 1963 йилда экскаватор ишлаб чиқаришга меҳнат сарфини камида 30 минут камайтириш юзасидан таклиф киритиши керак. Бу эса экскаватор тайёрлашга меҳнат сарфини тахминан 10 процент камайтириш имконини беради.

Заводнинг партия ташкилоти ва маъмурияти таклифларни кўриб чиқиш ва тезроқ жорий қилиш юзасидан ишларни моҳирлик билан ташкил қилди. Қисқа муддат ичида 300 дан кўпроқ таклиф киритилди. Бу таклифлар экскаватор конструкциясини ва уни ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштиришга, меҳнатни ташкил қилишни яхшилашга қаратилгандир. 1963 йил январь ойида амалга оширилган таклифлар битта экскаватор ишлаб чиқаришга меҳнат сарфини 6,5 соат камайтириш имконини берди.

Инженер-техник ходимлар ва ишчиларнинг техника ижодиётини ривожлантиришга ёрдам берувчи яхши ташаббус республикамизнинг кўпгина корхоналарида қўллаб-қувватланди. «Ташавтомаш» заводидаги инженер-техник ходимларнинг ҳар бири пахтани қоп-қанорсиз ташиш учун прицеп тайёрлашга меҳнат сарфини камида 2 минут камайтириш ва унинг таннархини 1,45 тийин арзонлаштиришни таъминлайди, деб қарор қилди. Шу завод инженер-техник ходимларидан 76 таклиф тушди, булардан 18 таси ҳозироқ жорий қилинмоқда ва прицеп ишлаб чиқаришга меҳнат сарфини 47 минут камайтириш имконини беради. Андижон машинасозлик, «Таштекстильмаш» заводлари ва бошқа корхоналарнинг инженер-техник ходимлари юксак мажбуриятлар олдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг саноат ва қурилишга раҳбарлик Бюроси Тошкент экскаватор заводи инженер-техник ходимларининг ҳамма мутахассислар ва ишчилар техника ижодиёти ҳисобига ишлаб чиқариладиган маҳсулотга сарфланадиган вақтни камайтиришга қаратилган ташаббусини маъқуллади.

Область, шаҳар, район партия комитетлари, саноат-ишлаб чиқариш зоналарининг партия комитетлари, бошланғич партия, комсомол ва касаба союз ташкилотларига Тошкент экскаватор заводи инженер-техник ходимлари ташаббусининг ҳар бир корхонада ёйилишини таъминлаш таклиф этилди. Ўзбекистон касаба союзлари советига ишлаб чиқариладиган маҳсулотга меҳнат сарфини камайтириш ва маҳсулот таннархини арзонлаштириш учун бошланган ҳаракат қатнашчиларининг иш тажрибасини умумлаштириш топширилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетини саноат ва қурилишга раҳбарлик Бюроси Тошкент экскаватор заводи инженер-техник ходимларининг ташаббусини ва уларнинг издошларини матбуотда, телевидение, кино ва радио орқали кенг пропагандa қилиш таклиф этилди.

„Ўзбекистон ССР беш йиллиги" совхозининг 1-„Оққўрғон" совхозига оталиқ ёрдами кўрсатиш юзасидан белгилаган тадбирлари

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА РАҲБАРЛИК ҚИЛУВЧИ БЮРОСИДА

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилувчи Бюроси «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» ва «Совой» совхозлари коллективларининг қолоқ хўжаликларга — «Оққўрғон» ва «Ойим» совхозларига ёрдам бериш юзасидан ишлаб чиққан тадбирларини маъқуллади ҳамда область партия комитетлари, ишлаб чиқариш бошқармаларининг партия комитетлари зиммасига бу қимматли ташаббусни кенг равишда оммалаштириш вазифасини юклади. Токи илғор колхозлар, совхозлар, бригадалар, фермалар машъаллардан намуна олиб, қолоқ хўжаликларга ва участкаларга оталиқ қилсинлар ҳамда шу йилнинг ўзидаёқ пахта, гўшт, сут ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришда уларга амалий ёрдам берсинлар.

Биз, «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг ишчилари қўшни 1-«Оққўрғон» совхозини қолоқликдан чиқариш учун унга ёрдам кўрсатишга қарор қилдик ва оталиққа олдик.

Бунинг учун нималар қиламиз?

1-«Оққўрғон» совхозига 750 гектар ерни ҳайдаб бериш учун 16 трактор жўнатдик.

1-«Оққўрғон» совхозининг қолоқ биринчи бўлимига доимий ишлаш учун механик юбораяпмиз.

Мутахассисларимиз оталиққа олинган совхозга тез-тез бориб турадилар, илғор тажрибаларни оммалаштирадилар.

1-«Оққўрғон» совхозидаги трактор-далачилик бригадасининг бошлиқлари учун ўн кунлик курс ташкил этиб, уларга квадрат-уялаб экиш техникасини, аниқ квадратлар ҳосил қилишни, хўжалик ҳисобига ўтиш йўлларини ҳамда агротехникани ўргатамиз.

Оталиғимиздаги совхозга 1963 йилнинг кузагида қайтариб бериш шарти билан маккажўхорининг юқори ҳосилли «Оқ тиш» симон нав уруғини берамиз.

«Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози трактор-далачилик бригадасининг раҳбарлари 1-«Оққўрғон» совхози бригадаларини социалистик мусобақага чақириб, Р. Давлатов бригадаси С. Хошмуродов бригадасини, И. Катаманов бригадаси С. Жўраев бригадасини, А. Альчикова бригадаси С. Хисамова бригадасини, Х. Жапеш бригадаси М. Усмонов бригадасини, М. Куку бригадаси А. Султонов бригадасини оталиққа олади.

1-«Оққўрғон» совхозига оммавий агитация ишларини яхшилашда доимий ёрдам кўрсатамиз.

ТАДБИРЛАР СОВХОЗ КОЛЛЕКТИВИНИНГ ЙИҒИЛИШИДА МУҲОКАМА ҚИЛИНИБ, ҚАБУЛ ЭТИЛГАН.

Халқ номзодлари

ОТАХОНИМИЗ

1930 ЙИЛ. Саттор ака қишлоқда ташкил этилган колхозга биринчилар қаторида аъзо бўлиб киради ва хўжаликни юксалтиришда жонбозлик кўрсатиб ишлай бошлайди.

1939-1940 ЙИЛЛАР. У Шимолий Тошкент канали қурилишида актив иштирок этади.

1942 ЙИЛ. Гитлерчи қонхўрлар мамлакатимизнинг ғарбий чегараларини бузиб бир қанча шаҳар ва қишлоқларимизни вайрон қилдилар. Жонажон Ватан хавф остида қолди. Партия ва Ҳукумат ғарбдаги завод ва фабрикаларни Шарққа кўчириш ҳақида кўрсатма берди. Шулардан бири Дўрмон яқинига кўчиб келди. Саттор ака ҳарбий аҳамиятга эга бўлган ана шу заводни қуриш ва уни мумкин қадар тезроқ ишга тушириб юбориш учун қурилишга келди. Уни ғишт терувчи қилиб қабул этдилар. Бригадир бўлди. Тез кунда заводнинг ишлаб чиқариш корпуслари қад кўтарди.

Завод ишга тушиб, дастлабки маҳсулотни ҳам берабошлади.

Корхонада қолайми, колхозга қайтайми?

Саттор ака биринчи йўлни тутди. Тез кунда у станокда ишлашни ҳам ўрганиб қолди. Саттор акалар ишлайдиган цех анча қолоқ бўлиб, бутун корхона ишлаб чиқарадиган маҳсулотнинг миқдорини чеклаб турадиган ҳамда кўп меҳнат талаб қиладиган оғир участкалардан эди. У тун-кун меҳнат қилди. Бир ўзи икки сменада ишлаган пайтлари жуда кўп бўлган.

1945 ЙИЛ. Улуғ Ватан уруши ғолибона тамом бўлди. Тинч ва ижодий меҳнат бошланди. Завод ҳам тинчлик мақсадлари учун ишлай бошлади. Саттор ака яна касбини ўзгартирди. У штамповкачи бўлиб олди. У шундан бери Ватанимизнинг куч-қудратини ошириш йўлида жонбозлик кўрсатиб ишлаб келаётир.

Заводимиз коллективи ҳозир пахтакорларнинг оғирини енгил қиладиган трактор прицеплари ишлаб чиқармоқда. Деярлик ҳар куни корхонамиз дарвозасидан 50-60 та прицеп колхоз-совхозларга йўл олади. Шуларни яратаётган бутун коллективимиз, қолаверса, кексайган чоғида ҳам кунлик нормасини 2-2,5 ҳиссадан бажариб, кўпчиликнинг олқишига сазовор бўлиб келаётган Саттор ака Муродов сингари ишлаб чиқариш пешқадамлари эмасми!

Заводимиз коллективи яқинда уни қишлоқ область Советн депутатлигига номзод қилиб кўрсатганларида шуларнинг ҳаммасини назарда тутдилар. Саттор ака коллективимизнинг ишончини оқлашига шубҳамиз йўқ.

Э. СОДИҚОВ,
«Ташавтомаш» заводининг инженер-конструктори.

ТЕХНИКА ЖАРРОҲИ

Сменада иш тугаб, кеч кириб қолганига қарамай, Саид ака ҳамон ўз устахонасида ниманидир берилиб ремонт қиларди.

—Ҳорманг Саид ака, ҳали ҳам уйга кетмабсиз-да?

— Яхшики бу ерда кўрпа-ёстиқ йўқ, бўлмасамчи бу киши ётиб қолишдан ҳам тоймайди, — деди ҳамроҳимиз унга ҳазиллашиб.

— Бор бўлинглар, шу бугун уйга эртароқ борарминканман деб ўйлаган эдим, бўлмади, — деди Саид ака мойли қўлларини артар экан, кулимсираб, — ансига генератор ўжарлик қилиб ток бермай қўйибди. Шу бугун тузатиб кетмасанг, эртага ишчиларни вақти бекор ўтади-да.

Шу вақт Саид ака хаёлига бирор янгилик келдими, ё вақтини қизғондими, — кечирасизлар, озгина ишим қолди, шуни тугатиб қўяй, кейин бапуржа гаплашамиз, — деди-да, бўлакларга ажратиб қўйилган генераторни йиғишда давом этди.

Ҳа, биз Саид ака бажараётган иш операциясини бир дам кузатар, эканмиз, хирург инсон қалбига қандай йўл топабилса, генератор унинг шифобахш қўлидан шундай даво топаётгандай туйиларди. У, мазмуни мўлжаллаган ишини битказган бўлса керак, хурсанд ҳолда биз томон яқинлашди.

— Мана, ремонт ҳам тугади. Эртага иш тўхтамайдиган бўлди. Энди уйга бориб бемалол дам олсак арзийди, — деди Саид ака ўз ишидан мамнун бўлиб.

Завод ишчилари моторми, станокми ёки пайвандлаш аппаратими тихирлик қилиб қолса дарров Саид акага мурожаат қилишга одатланиб қолишган. Саид ака ҳам ҳеч бир тортинмай ишдан кейин бўлса ҳам уларнинг мушкулини осон, оғирини енгил қилади. Шу сабабли завод ишчилари Саид акани «техника жарроҳи» деб унинг номини фахр билан тилга олишади. Дарҳақиқат Саид ака ўз касбига меҳр қўйган, камсуқум ватанпарвар, темир иродали, сахий қалб эгасидир.

— Гап ҳунарнинг катта ёки кичиклигида эмас, — дейди Саид ака биз билан қилган суҳбатида, — унинг кўпчилик ишига, манфаатига қандай фойда етказишида қолган. Мен ҳам кичик касбим билан умумхалқ ишига фойда келтираётганлигим билан чексиз қувонаман.

Завод коллективи ҳар ишга қодир Саид Хўжаевни 280-сайлов округидан шаҳар Совети депутатлигига бир овоздан, якдиллик билан номзод қилиб кўрсатишли. Саид ака ҳам ишчиларнинг бу ишончига жавобан «лаббай» қани қандай топшириғингиз бор менга» демоқда.

М. МИРЗАЕВ.

«Узоргэнергогаз»нинг тажриба заводи.

МАШИНАНИНГ ЕЛКАСИГА ОРТАМИЗ

ЯНГИЕР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БОШҚАРМАСИГА ҚАРАШЛИ „КОММУНИЗМ" КОЛХОЗИНИНГ ПАХТА ВА ҲОСИЛНИ ТЕРИВ ОЛИШНИ КОМПЛЕКС МЕХАНИЗАЦИЯЛАШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЮЗАСИДАН БЕЛГИЛАГАН ТАДБИРЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА РАҲБАРЛИК ҚИЛУВЧИ БЮРОСИДА

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилувчи бюроси Сирдарё область Янгиер ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Коммунизм» колхозининг тадбирларини маъқуллади ва Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлиги, «Узсельхозтехника» бирлашмаси, Янгиер ишлаб чиқариш бошқармасига белгиланган тадбирларни бажаришда «Коммунизм» колхозига амалий ёрдам кўрсатишни топширди.

Қишлоқ хўжалик артелимиз аъзолари фан ютуқлари ва илғор тажрибаларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш, қудратли қишлоқ хўжалик техникасидан ўринли фойдаланиш туфайли пахта етиштиришни кўпайтириш юзасидан олган мажбуриятларини ҳар йили бажариб келмоқдалар. Ҳатто пахтачилик учун жуда ноқулай келган ўтган йилда ҳам колхоз ҳар гектаридан 33,7 центнердан ҳосил олиб, пахта тайёрлаш планини 117 процентдан ортиқроқ бажарди.

Биз пахтакорларнинг қадрдон дўсти Н. С. Хрушчевнинг маслаҳатларига амал қилиб, қўл меҳнатини изчиллик билан қисиб чиқармоқдамиз, бу ишларни машиналарнинг пўлат елкасига ортмоқдамиз. Ҳозир колхозда пахта етиштириш билан боғлиқ бўлган асосий ишларнинг ҳаммаси механизациялаштирилган. Чигитни квадрат-уялаб экиш ва экинни икки томонлама парвариш қилиш кенг қўлланилмоқда. Ўтган йили машиналар билан 1900 тонна пахта ёки бутун ҳосилнинг 22,6 проценти териб олинди. Арзон пахта етиштиришни кўпайтиришда бу ютуқларимизнинг асоси бўлди. Лекин биз эришилган даража билан қаноатлана олмаймиз. Колхозимизга «Коммунизм» деган шонли ном берилган, коммунизм эса энг арзон маҳсулот мўл-кўл, меҳнат унумдорлиги юксак бўладиган жамиятдир. Шунинг учун ҳам биз етти йилликнинг бешинчи йилида янада мўл ҳосил етиштириш ва машиналар билан пахтанинг 80 процентини ёки 5200 тоннасини териб олишга аҳд қилдик.

Бошқа илғор хўжаликларнинг тажрибаси каби бизнинг тажрибамиз ҳам шуни кўрсатмоқдаки, ғўза серҳосил, калта бўғин бўлиб ўсган, кўсакларнинг барвақт етилиши таъминланган ва ғўза барги ўз вақтида сифатли тўктирилган далалардагина пахта териш машиналари яхши ишлай олади. Қўлда териш учун пахта етиштириш технологияси билан машина теримига мослаб пахта етиштириш технологияси ўртасида жуда катта фарқ бор. Шунга мувофиқ биз агротехника тадбирлари комплексини ишлаб чиқдик. Бу тадбирлар мўл ҳосил тўплаш ва уни барвақт етилтириш, ғўзани машина теримн талабларига тўлароқ жавоб берадиган қилиб ўстириш имконини беради.

Колхозимизда пахтани машинада теришга қизғин тайёргарлик бошланди. Ҳосили машинада териладиган участкалар ажратиб қўйилди. Бу ерлар шудгор қилинди, ҳозир эса текисланмоқда.

Чигитни барвақт бир текис ундириб олиш ва ғўза тупларининг нормал қалинликда бўлишини таъминлаш учун барча шўр ерларни ювдик, қолган майдонларга эса мартнинг охири ва апрелнинг бошларида экиш олдидан эгат олиб сув қўямиз. Бизнинг шароитимизда ерларни бундай суғориш яхши натижа беради.

Бизнинг жойларимизда баҳорда кучли шамоллар эсади. Тупроқдан намнинг кўтарилмаслиги учун ерларни борона қилмоқдамиз, тупроқни экиш олдидан ишлашга шайланиб турибмиз.

Чигитни энг яхши агротехника муддатларида, 8—10 иш кунида квадрат-уялаб экиб оламиз.

Яшил квадратлар ҳосил бўлиши биланоқ, экиш билан экинларни парвариш қилиш ўртасида ҳеч қандай узилишга йўл қўймай, трактор культивациясини бошлаб юборамиз. Ўсимликларни яганалашни 8—10 кун ичида туғаллаймиз, ғўзани озиқлантиришни барвақт бошлаб, июлнинг биринчи ўн кунлигида тамомлаймиз.

Ўтган йиллардаги каби ғўзани тўғри ва сифатли суғорамиз, ўсимликнинг ғовлаб кетиши ёки ётиб қолишига йўл қўймаслик учун суғоришни ўз вақтида тўхтатишга алоҳида эътибор берамиз. Далада бегона ўт бўлмаслигига ҳаракат қиламиз.

Тажриба шуни кўрсатадики, агар бу тадбирларнинг ҳаммасини амалга оширсак, мўл ҳосил етиштирилади ва пахта териш машиналарининг юксак унум билан ишлаш учун шароит яратилади. Августнинг охири ва сентябрнинг бошларида ҳар бир туп ғўзада 1—2 тадан кўсак етилиб очилади. Бу йиғим-терим олдидан ғўза баргини тўктиришни ўз вақтида ва сифатли ўтказишнинг муҳим шартидир. Баргни тўктириш учун дори сепишни кўсакларнинг етилишига қараб табақалаштириб ўтказамиз: бу ишни 10 сентябрдан кечиктирмай бошлаймиз ва 20—25 сентябрга қадар тугаллаймиз. Ғўза баргини тўктириш учун цианамид кальцийнинг кремнефторис т и й натрий билан аралашмасини сепамиз. Бизнинг шароитимизда бу препаратлар яхши самара беради.

Машина теримини 15—20 сентябрда бошлаб юборамиз ва октябрда тугаллаймиз. Ноябрь ойида эса ҳосилнинг ҳаммасини йиғиштириб оламиз ва шудгорлаш ҳамда шўр ювишни кучайтириб юборамиз.

Бутун ҳосилнинг 80 процентини машинада териб олиш учун 60 та пахта териш машинаси керак бўлади. Ҳозир 24 та машинамиз бор. Яна 36 та «ХВС-1,2» пахта териш машинаси сотиб оламиз. Шунингдек пахтани қоп-қанорсиз ташиш учун прицеплар, кўрак териш машиналари ва бошқа машиналар ҳам сотиб оламиз.

Ҳозир пахта териш техникасини ремонт қилиш бошланди. «Узсельхозтехника» район бўлимининг ёрдами билан ҳамма машина ва механизмлар ишга ўз вақтида ва сифатли тахт қилиб қўйилади. Терим машиналарида ишлаш учун 120 механик-ҳайдовчи бўлиши керак, колхозимизда эса фақат 40 та механик-ҳайдовчи бор. Шунинг учун ҳам ҳозир яна 80 механик-ҳайдовчи тайёрлаш чоралари кўрилмоқда.

Қишлоқ хўжалик артелимизнинг аъзолари ва механизаторлари етти йилликнинг бешинчи йилини арзон пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришда янги муваффақиятларни қўлга киритиш билан якунлаш учун, бу йил пахтани қўлда теришдан машинада теришга асосан ўтиш учун куч ва меҳнатларини аямайдилар, ҳамма чораларни кўрадилар.

Тадбир Сирдарё область Янгиер ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Коммунизм» колхози аъзоларининг умумий йиғилишида муҳокама қилиниб қабул этилган.

„СОВЕТ ҲАЁТИДАН САҲИФАЛАР"

Яқинда Руминияда чиқадиган «Вяк Ноу» («Янги аср») ҳафталик газетасида М. Михаилнинг бир мақоласи босилиб чиқди. «Совет ҳаётидан саҳифалар» деган рубрика остида берилган бу мақолада ўзбек пахтакорлари ҳақида гап боради. Мақола автори Турсуной Охунова ва унинг синглиси Инобат Охунованинг меҳнат жасоратини юксак баҳолаган. Жумладан мақолада бундай дейилади: «Бепоён Советлар мамлакатида Турсуной Охунованинг довруғидан хабардор бўлмаган бирор киши йўқ, десак янглишмаймиз. Бу ёш ўзбек колхозчиси эндиликда уста пахтакор бўлиб етишди. Турсуной бошлаган ажойиб ташаббус совет кишилари учун ёрқин намуна бўлиб қолди. Ҳозир Турсунойнинг синглиси Инобат ҳам ўз опасининг изидан бормоқда.

Минглаб ватанпарвар ёшлар ўз ихтиёрлари билан Мирзачўлга жўнаб кетдилар. Қисқа вақт ичида қадимий чўл бағрида янги-янги хўжаликлар бунёд этилди. Ана шу ватанпарварлар орасида Турсуной Охунованинг синглиси Инобат Охунова ҳам бор эди. У барча совет кишилари қатори ўз опасининг шоншуҳрати билан фахрланади. Лекин Инобат бу билан чекланиб қолмасдан, ўз меҳнати билан юксак марраларни эгаллашга зўр бериб интилмоқда. У ўз опаси сингари довруғ қозониши учун ҳамма имкониятларга эга»...

Х. АЛЬТМАН.

ДАСТЛАБКИ ЯКУНЛАР

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ПАРТИЯ-ДАВЛАТ КОНТРОЛИ КОМИТЕТИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг партия-давлат контроли комитети КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленумининг қарорига мувофиқ, республикада партия-давлат контроли органларини тузиш ва уларнинг фаолиятини уюштириш соҳасида қилинаётган ишларнинг дастлабки якунларини тўплади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон областлари, шаҳарларида, колхоз-совхоз ишлаб чиқариш бошқармаларида, шунингдек Тошкент шаҳри районларида партия-давлат контроли комитетлари тузиш тугалланмоқда. Ҳамма жойда комитетларнинг составига касаба союз, комсомол ва бошқа жамоат ташкилотлари, матбуот органларининг вакиллари, ишлаб чиқариш илғорлари киритилди. Кўп комитетларда жамоатчилик асосларида ишловчи бўлимлар тузилди. Кўпгина жамоатчи инспекторлар бу бўлимларнинг ишига жалб этилди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети тасдиқлаган Низомга мувофиқ, республикада партия — давлат контролига ёрдам берувчи группалар ва постларнинг кенг шохобчалари вужудга келтирилмоқда. Бу группа ва постлар составига энг актив ва энг обрўли ўртоқлар — коммунистлар ва партиясиз ишчилар, колхозчилар мутахассислар, хизматчилар, фан ва маданият арбоблари, пенсионерлар сайланди.

27 февралгача республикадаги корхоналарда, қурилишларда, колхоз ва совхозларда партия — давлат контролига ёрдам берувчи 2410 группа ва 6634 пост ташкил этилди. Буларнинг составида 45 мингга яқин киши бор.

Партия, касаба союз, комсомол йиғилишлари, ишчилар ва колхозчилар йиғилишларининг қатнашчилари КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленумининг контроль системасини тубдан қайта ташкил этиш ва контроль органларининг фаолиятида ленинча принципларни тиклаш тўғрисидаги қарорини қизғин маъқуллаб, ёрдам берувчи группа ва постлар составига сайланган ўз вакилларига амалий наказ бердилар.

Йиғилишларнинг қатнашчилари контроль группалари ва постлари ўз ишларида ғоят принципиал бўлишлари, камчиликларга қарши дарҳол чора кўришлари, давлат интизомини бузувчиларга, партия ва ҳукумат директиваларининг бажарилишига ҳалақит бераётган кишиларга қарши шафқатсиз кураш олиб боришлари кераклиги ҳақида гапирдилар. Контроль группалари ва постлари асосий эътиборни ишлаб чиқаришни тобора такомиллаштириш, етти йиллик план топшириқларини бажариш билан боғлиқ бўлган масалаларга қаратишлари лозим эканлиги кўрсатилди. Масалан, Бекободдаги металлургия заводида ўтказилган йиғилишда пўлат қуювчи ўртоқ Красин: ёрдам берувчи группа янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш кечиктирилаётганлигига қандай ҳоллар сабаб бўлаётганлигини батафсил суриштириб билиши керак, деди. Бухородаги пиллакашлик фабрикаси коммунистик меҳнат бригадасининг аъзоси ўртоқ Хайруллина ёрдам берувчи группага меҳнат унумдорлигини ошириш, янги техникани жорий қилиш, маҳсулотнинг сифатини яхшилаш юзасидан белгиланган тадбирларнинг бажарилишини ўз контролига олишни тавсия этди. Қува ишлаб чиқариш бошқармасидаги Навоий номли колхозда ўтказилган йиғилишда колхоз аъзоси ўртоқ Отабоев ёрдам берувчи группа кўкламга тайёргарлик қандай бораётганлигини дарҳол текшириб чиқиши зарур, деди.

Исрофгарчиликка қарши шафқатсиз кураш олиб бориш, кўзбўямачилик, порахўрлик, бюрократизм каби ярамас ҳолларга қатъий барҳам бериш зарур эканлиги таъкидланди. Халқ контроли, дейилади наказларда, текинхўрларга, чайқовчиларга, халқ мулкини талон-торож қилувчиларга қарши омонсиз кураш олиб бормоғи керак. Контроль группалари ва постлари ўзларининг бутун фаолияти билан ҳар бир корхонада, ҳар бир колхоз ва совхозда, хуллас ҳамма жойда тартиб ўрнатилишига, ҳар бир виждонсиз кишининг совет қонунларини андаккина бузганлиги учун ҳам муқаррар жазоланишини ҳис этадиган бўлишига ёрдам беришлари лозим. Контроль группалари ва постлари аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш масалаларига доим эътибор беришлари лозим эканлиги таъкидланди.

Партия — давлат контролига ёрдам группалари ва постларини тузиш давом этмоқда.

* * *

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Партия—давлат контроли комитети хўжалик органлари, касаба союз ва комсомол ташкилотлари билан биргаликда, темир йўл станцияларида, дарё портларида ва базаларда халқ хўжалиги юклари қандай сақланаётганлиги ва қандай жўнатилаётганлигини 15 мартдан 1 майгача оммавий текширишдан ўтказишга қарор берди.

Партия — давлат контроли маҳаллий органларига ва партия — давлат контролига ёрдам берувчи группаларга барча темир йўл станцияларида, портларда ва базаларда рейд бригадалари ва текшириш комиссиялари тузиш таклиф этилди. «Комсомол прожектори» отрядлари, касаба союз ташкилотлари, корхоналар, қурилишлар ва колхоз-совхоз ишлаб чиқариш бошқармаларининг вакиллари, халқ хўжалиги мутахассислари, ишчи ва қишлоқ мухбирлари рейд бригадалари ҳамда текшириш комиссияларининг ишига жалб этилиши лозим.

Текширишнинг асосий вазифаси — юкларни тезликда ортиб юбориш учун ҳар бир жойнинг ўзида конкрет тадбирлар кўришдан иборат. Етти йилликнинг зарбдор қурилишлари учун ва кўкламги экиш кампанияси учун мўлжалланган юкларнинг тез жўнатилишига алоҳида эътибор бериш керак.

(ЎзТАГ).

ҚЎШНИНГ ЕРИ ЎГАЙ ЭМАС

„Совой“ совхозининг коллективи „Ойим“ совхозини оталиққа олди

Биз, қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтириш ишига ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшмоғимиз керак. Деҳқончилик ва чорвачиликнинг ҳамма турдаги маҳсулотини етиштиришни кескин кўпайтиришга яқин вақт ичида эришиш зарур. Барча колхоз ва совхозлар хўжаликнинг ҳамма тармоқларини комплекс ривожлантирган, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш суръатини йил сайин оширган, янгидан-янги марраларни эгаллаш учун тинмай курашган, иноқ оиладек биргалашиб олға қараб шахдам қадам ташлаган вақтдагина ана шу вазифани тезроқ ҳал қилиш мумкин.

Гап шундаки, айрим хўжаликлар фан ютуқларини ва илғорлар тажрибасини ишлаб чиқаришга жорий этиб, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини йилдан-йилга кўп етиштирмоқдалар, шу билан бир вақтда моддий-техник ресурсларидан яхши фойдаланиб, маблағни кам сарфламоқдалар, бошқа хўжаликлар эса маҳсулот етиштиришда ундан анча орқада қолмоқдалар. Ана шунинг учун ҳам илғор хўжаликларнинг қўшни қолоқ хўжаликларга ҳар тарафлама ёрдам бериши жуда муҳимдир. Илғорларнинг вазифаси —қўшни хўжаликларнинг орқада қолиш «сири»ни очиб ташлаб, ўзлари эгаллаб келган маррага чиқиб олишда уларга ёрдам беришдан иборатдир. Бунинг учун уларга машъалларнинг, деҳқончилик ва чорвачиликни юксалтиришда муваффақиятга эришаётган илғорларнинг иш усулларини ўргатиш керак.

Совхозимиз пахта етиштиришда, пахтанинг ва қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигини оширишда чорвачиликни ривожлантиришда катта тажриба тўплади. Аммо қўшнимиз «Ойим» совхози ҳамон орқада қолмоқда, бу — бизни ташвишлантирмай қолмайди. Ана шунинг учун ҳам биз қўшни совхозни оталиққа олишга қарор бердик, биз қўшнимизни қолоқликдан чиқариш учун улар билан қўлни-қўлга бериб ишлаймиз.

Биз нималар қилмоқчимиз?

Масалан, биз «Ойим» совхозида ишлаш учун инженер-механикларни, агрономларни, бухгалтерларни, уч тракторчини у ерга юборамиз.

«Ойим» совхозида чигит экишни намунали ўтказиш мақсадида у ерда пахта етиштиришнинг илғор усулларини ўрганиш мактабини ташкил этамиз. «Ойим» совхозининг экипаж аъзоларини ва бўлим бошлиқларини аниқ квадратлар ҳосил қилишга ўргатамиз, Шунингдек чорвадорлар учун семинарлар ташкил этиб, уларни зоотехника фанида эришилган энг янги муваффақиятлар билан таништирамиз, илғор зоотехника усулларини ишлаб чиқаришга жорий этишда, фермадаги сермеҳнат ишларни механизациялашда уларга ёрдам берамиз.

Ҳисоб-китоб ишларини тўғри юритиш хўжаликни юксалтиришда жуда муҳимдир. Биз ана шуни эътиборга олиб, «Ойим» совхозида бу соҳада тартиб ўрнатиш учун малакали мутахассисларимиз билан қўшнимизга ёрдам берамиз.

Оммавий-агитация ва тарбиявий ишларни яхшилашда, социалистик мусобақани кучайтиришда ҳам қўшнимизга яқиндан кўмаклашамиз.

Оталигимиздаги совхозга уруғликдан, чунончи маккажўхори уруғидан ёрдамлашамиз. Қўшнимиз кузда бу уруғликни қайтариб беради.

«Ойим» совхозининг фермаларида чорва моллари оғир аҳволга тушиб қолган, биз 1963 йил кузагида қайтариб бериш шарти билан «Ойим» совхозига 400 тонна силос берамиз.

Қайтариб олмаслик шарти билан қўшнимизга тут барглари берамиз.

«Ойим» совхозига дала ишларини ташкил этишда ёрдам бериш учун қишлоқ хўжалик мутахассисларини тез-тез юбориб турамиз.

Совхозимиз бўлимларининг «Ойим» совхози бўлимларини оталиққа олишларини ташкил этамиз.

Тадбирлар «Совой» совхози ишчиларининг умумий йиғилишида муҳокама қилиниб, қабул этилган.

МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

28 февралда Тошкентда ҳукумат мукофотларини топширишга бағишланган тантанали мажлис бўлди.

СССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонларини республика Олий Совети Президиумининг секретари Р. Сахибоев ўқиб берди. СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари ва Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ё. С. Насриддинова ҳукумат мукофотларини топширди.

В. И. Ленин номидаги Олтинтопкан қўрғошин-рух комбинатида қурилиш, лойиҳалаш ва қувватларни ўзлаштиришда жуда яхши ўрнак кўрсатган «Алмаликсвинецстрой» тресты ва бошқа ташкилотларнинг ишчилари, инженер-техник ходимлари ҳамда хизматчилари СССР орден ва медалларини олдилар. «Қалмоққир» кони пармалаш станогининг машинисти А. Г. Книшга ва «Узтрансспецстрой» трести Олмалиқ бошқармаси йўл ишчилари бригадасининг бошлиғи Д. Маматқуловга гулдурос қарсаклар остида Ленин ордени топширилди. Ишчи ва хизматчиларнинг бир группасига Меҳнат Қизил Байроқ ордени, «Шавкатли меҳнати учун» ва «Меҳнатда ўрнак кўрсатганлик учун», медаллари топширилди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби», «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи», «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист», «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ирригатор» фахрий номини бериш тўғрисидаги ёрлиқлари республикадаги фан ва санъат арбобларига, халқ маорифи, сув хўжалиги ходимларига топширилди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари СССР Транспорт қурилиши министрлиги ва Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти ва тош йўллар министрлигининг Андижон областидаги Норин ва Қорадарё кўприклари қурилишида энг яхши ўрнак кўрсатган ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан бир группасига, СССРда архив ишининг 250 йиллиги муносабати билан кўп йиллар мобайнида ҳалол ишлаб келганликлари учун мукофотланган республика партия ва давлат архивлари ходимларининг бир группасига, СССР Граждан-ҳаво флотининг 40 йиллиги муносабати билан Ўзбекистонда авиация транспортини ривожлантиришда эришган муваффақиятлари учун мукофотланган республика Граждан-ҳаво флоти ходимларининг бир группасига топширилди. Совет аппарати, матбуот, медицина ходимларининг бир группасига, шунингдек спортчиларга фахрий ёрлиқлар топширилди.

Мажлисда мукофотланганлар номидан Тошкент область давлат архивининг бошлиғи Е. М. Кокоть, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги, техника фанлари доктори М. Набиев, Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги «Узсантехгазмонтаж» трести Тошкент область монтаж бошқармасининг бошлиғи С. Х. Хўжамов, Граждан-ҳаво флоти ходимларидан Г. Орипов ва Н. Ғаффаров, Ўзбекистон ССР Марказий давлат архиви бошлиғининг ўринбосари И. А. Алимов нутқ сўзладилар. Улар ўз меҳнатларига юксак баҳо берганликлари учун жонажон Коммунистик партия ва Совет ҳукуматига самимий ташаккур изҳор қилдилар ва бутун куч, билимимизни улуғ коммунистик қурилиш ишига сарф қиламиз, деб ваъда бердилар.

Ё. С. Насриддинова мукофотланган кишиларни самимий табриклади, уларга сиҳат-саломатлик, коммунизм тантанаси йўлидаги меҳнатларида янгидан-янги муваффақиятлар тилади.

* * *

1961—1962 йилларда сув танқислигига қарши кураш соҳасидаги тадбирларни муваффақиятли бажарганликлари учун мукофотланган Сув хўжалиги министрлиги, Жамоат тартибини сақлаш министрлиги ва республикадаги бошқа ташкилотлар ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг катта бир группасига, шунингдек ҳалол хизматлари ва жанговар ҳамда сиёсий тайёргарликда жуда яхши кўрсаткичларга эришганликлари учун Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флотининг 45 йиллиги муносабати билан мукофотга сазовор бўлган Туркистон ҳарбий округи ҳарбий хизматчиларининг бир группасига Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқларини топшириш маросими бўлди. (ЎзТАГ).

КОММУНИЗМНИНГ АКТИВ ҚУРУВЧИЛАРИ

ХОТИН-ҚИЗЛАР ОБЛАСТЬ КОНФЕРЕНЦИЯСИДАН

Ўтган куни Ўзбекистон Давлат эстрада театрининг зали Тошкент область хотин-қизлар конференциясига келган делегатлар билан гавжум бўлди. Залда ўтирган хотин-қизлар областимиз қишлоқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қиладилар. Улар орасида донгдор пахта усталари, комплекс механизациялаштирилган бригадаларнинг бошлиқлари, сут соғувчилар ва механизаторлар, колхоз-совхозлар ва ишлаб чиқариш бошқармаларининг раҳбарлари, қишлоқ ўқитувчилари ва врачлари, илмий тадқиқот муассасаларининг ходимлари ҳам бор. Конференция президиумида областимизнинг донгдор хотин-қизлари—Турсуной Охунова, Любовь Ли, Роза Отабоева, Дилором Абдуллаева, Саодат Гулаҳмедова, Меҳриниso Убайдуллаева, Анастасия Чудная ва бошқалар ўтиришибди.

Залга йиғилганлар кўтаринки руҳ билан ўртоқ Н. С. Хрушчев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитетининг Президиуми составида конференциянинг фахрий президиумини сайлайдилар.

КПСС XXII съездининг қарорлари асосида область хотин-қизлари орасида идеологик ишларни кучайтириш ҳақида доклад қилиш учун сўз Тошкент қишлоқ область Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари ўртоқ **Қ. Маҳкамова**га берилади.

Докладчининг айтишича, коммунизм қурилиши ишида жонажон Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши учун бутун куч-қувватини, ақл-идрокини, юрак ҳароратини сарфлаб меҳнат қилаётган шонли совет хотин-қизлари катта роль ўйнамоқдалар. Ўртоқ Қ. Маҳкамова коммунизм моддий-техника базасини яратишда, мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида,"давлатни бошқаришда хотин-қизлар қандай иштирок этаётганликларини билдирувчи бир қанча рақамларни келтириб ўтди. Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советларига депутатликка кўрсатилган 12 минг 60 номзоднинг 4864 таси хотин-қизлардир.

— Халқ хўжалиги, фан ва маданиятнинг бирор тармоғи йўқки, унда хотин-қизлар ишламаётган бўлсин,—дейди докладчи,—хотин-қизлар станокларни бошқаряптилар ва болаларни ўқитаяптилар, мўл «оқ олтин» етиштираяптилар ва касалларни даволамоқдалар, поездларни ҳайдамоқдалар ва китоблар ёзмоқдалар, уйларга файз киритмоқдалар ва муҳим давлат ишларини ҳал этмоқдалар. Қишлоқ хўжалигимизда коммунистик меҳнат коллективи номини олиш учун курашаётган бригадалар, фермалар, участкаларнинг сони йил сайин ортиб бормоқда. Қолоқ бригадани илғорлар даражасига кўтаришга аҳд қилган Турсуной Охунованинг янги, ажойиб ташаббуси бутун мамлакатимизга тарқалди. Бўкалик Саодат Гулаҳмедова, юқоричирчиқлик Ҳаво Дебердиева, мирзачўллик Гулзода Анорқулова ва бошқа ўртоқлар бошчилик қилаётган илғор бригадаларнинг пахтакорлари катта меҳнат зафарларига эришмоқдалар. Ўтган йили хотин-қизлар бошчилик қилаётган 34 бригада ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг қимматли кўрсатмасини шараф билан бажарди ва ҳар гектар ердан камида 25 центнердан «оқ олтин» кўтарди. Булар шундан далолат бериб турибдики, хотин-қизларимиз сўзда эмас, балки амалда меҳнатнинг ажойиб намуналарини кўрсатмоқдалар.

Меҳнатсевар аёлларимиз — пахта териш машиналарининг механик-ҳайдовчилари, пиллакорлар, лубкорлар, чорвадорлар ўзларининг фидокорликлари туфайли катта довруғ қозонмоқдалар. Илғор сут соғувчилардан Роза Квон, Анастасия Чудная, Анорхон Назархонова ва бошқалар ана шулар жумласидандир. Хотин-қиз маккажўхорикорларимиз чорва моллари учун мустаҳкам ем-хашак базаси яратишга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Любовь Лининг довруғи бутун мамлакатимизга ёйилган. Бу аёл бошлиқ бригада ўтган йили ҳар гектар ердан 1979 центнердан маккажўхори кўкпояси ва 50.5 центнердан дон олишга муваффақ бўлди. Роза Отабоева, Вера Де ва бошқа маккажўхорикорлар бу донгдор аёлнинг изидан бориб, қувончли натижаларга эришаяптилар.

Аммо, областимизнинг давлат олдида катта қарзи бор. Ватанга минглаб тонна пахта кам берилди. Бу ҳол бизни ўз ишимизга бўлган масъулиятни янада оширишга, янада самаралироқ ишлашга ва областнинг қишлоқ хўжалигини бекиёс ривожлантиришга эришишга ундайди.

Кўкламги экиш кампаниясини намунали ўтказиш учун қизғин тайёргарлик кетаётган ҳозирги пайтда хотин-қизларимиз дала ишларида яна ҳам активроқ қатнашишлари зарур.

Минглаб хотин-қизлар ўзларини энг шарафли ишга—халқ маорифи ишига бағишлаганлар. Улар ёш авлодни кўнгилдагидек тарбиялаш билан бир қаторда ўзбек қизларининг ҳаммасини мактабларда ўқишга тўла жалб қилиш тўғрисида ҳам қайғирмоқдалар. Бу хусусда Ўрта Чирчиқ районига қарашли Облиқ қишлоқ Советидаги 19-ўрта мактаб ўқитувчилар коллективининг иши мақтовга сазовордир. Мактабнинг 9—11-синфларида ўқитаётган ўзбек қизлари ўқувчилар умумий сонининг 65 процентини ташкил этади. Қибрай қишлоғидаги 11, Янгиер районидаги 13-мактабларда ҳам ана шундай қувончли фактга дуч келишингиз мумкин. Шу каби мактаб коллективларининг илғор тажрибалари — кунт билан олиб борилган ишнинг ёрқин самарасидир.

Шуни ҳам айтиш керакки, айрим маҳаллий партия ва совет органлари, халқ маорифи органлари ўзбек хотин-қизларини раҳбарлик лавозимларига кўтаришга эътиборсизлик билан қарамоқдалар Район халқ маорифи бўлимларининг аппаратларида, хотин-қиз мактаб директорлари орасида хотин-қизлар камдан-кам учрайди.

Айрим жойларда умумий таълим тўғрисидаги Қонун қўпол равишда бузилмоқда. Бундай жойларда қизлар ўқишни тамом қилмасданоқ мактабни ташлаб кетмоқдалар. Айрим қишлоқ ва посёлка Советларининг раислари ва район маориф бўлимлари мудирларининг беғамликлари туфайли ўқишга келмаётган қизларни мактабга қайтариш тўғрисида ҳамавақт ҳам бош қотирилмаяпти. Қизларни ишчилар мактабига жалб қилиш иши қониқарсиз ташкил этилган.

КПСС Программаси меҳнаткаш аёлларнинг яхши турмуш кечиришлари учун ажойиб истиқболлар очиб берди Бизнинг областимизда болалар боғчалари ва яслилари учун тобора кўпроқ маблағ ажратилмоқда. Шундай бўлса ҳам боғчалар ва яслиларнинг эҳтиёжлари тўла қондирилаяпти деб бўлмайди. Болалар муассасалари секинлик билан қурилмоқда. Ўтган йили давлат бюджети маблағлари ҳисобига 900 ўринли болалар боғчалари ва яслиларини қуриш планлаштирилган эди. Амалда эса бу рақам 420 ўринни ташкил этди. Колхозларда қурилиш плани 60 процент адо этилди холос. Кейинги йилларда Янгийўл, Бўка районларида ва Юқори Чирчиқ районининг Бўстонлиқ зонасида болалар муассасалари қурилмади. Область колхозларида кечаю-кундуз ишлайдиган болалар муассасалари йўқ. Буларнинг ҳаммаси ижтимоий-фойдали меҳнат билан шуғулланишни орзу қилган болали аёлларнинг кўпчилигини қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида қатнашиш имкониятидан маҳрум этмоқда.

Конференцияда қишлоқларда меҳнат қилаётган хотин-қизларни ғоявий жиҳатдан тарбиялаш, уларнинг сиёсий билим даражасини ошириш масалаларига катта эътибор берилди. Областимизда хотин-қизлар орасида оммавий-сиёсий ишларни олиб бориш бирмунча яхши бормоқда. Жамоатчилик асосларида ишлайдиган 16 та маданият университети ташкил этилди. Оққўрғон районидаги «Ленинобод» колхозида ўқитувчи ўртоқ Мусаева раҳбарлик қилаётган хотин-қизлар университети кўнгилдагидек ишлаб турибди. Шу районидаги маданият уйида сиҳат-саломатлик университетининг машғулотлари ўтказилмоқда. Хотин-қизлар орасида лекция пропагандаси бирмунча яхшиланди. Маданий-оқартув муассасалари меҳнаткашларни, жумладан хотин-қизларни коммунистик руҳда тарбиялаш ишида катта роль ўйнашлари зарур. Маданият ўчоқлари эса бизда оз эмас—область бўйича 220 та клуб ва маданият уйи, 326 та кутубхона ва ўқув зали, 237 та киноустановка бор. Бадиий ҳаваскорлик тўгаракларига кўплаб хотин-қизлар қатнашмоқдалар. Яқинда «Қизил Ўзбекистон» колхозининг ашула ва рақс халқ ансамбли Кремль театри саҳнасида концерт қўйиб бериш шарафига муяссар бўлди.

Ана шундай ютуқлар билан бир қаторда хотин-қизлар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни олиб боришда жиддий камчиликларга ҳам йўл қўйилмоқда. Бу камчиликларнинг асосийси шундаки, маданий-тарбиявий тадбирлар айрим ҳолларда хўжа кўрсингагина ўтказилади. Биз ҳар бир аёлнинг онги ва юрагига етиб бораолмаймиз. Айниқса уй ишлари билан шуғулланадиган хотин-қизлар ўртасида иш олиб бориш талабга жавоб бермаётир. Ўзбек хотин-қизлари партия ва комсомол маорифи шохобчасидаги тўгараклар ҳамда семинарларга кам жалб этилмоқда. Кўпчилик районларда сиёсий-тарбиявий ишнинг ота-оналар университети, хотин-қизлар клуби ва бошқа шунга ўхшаш формалари кенг тарқалмаётир.

Партия ва комсомол ташкилотлари, хотин-қизлар Советлари меҳнаткаш хотин-қизлар, айниқса колхозчи аёлларнинг янги сафларини ижтимоий ҳаётга бошлаб кириш тўғрисида дурустроқ бош қотиришлари керак. Турмушимизда хотин-қизларга нисбатан бой-феодалларча муносабатда бўлиш, аёлларнинг номуси ва инсоний қадр-қимматига, яъни жиноятқорона тажовуз қилиш фактлари учраб турибдики, бунга мутлақо чидаб бўлмайди. Ўтмиш сарқитларини йўқотишга қарши кескин кураш очишимиз керак. Колхозларда баъзан муҳим масалаларни муҳокама қиладиган мажлислар хотин-қизларнинг иштирокисиз ўтказилади. Масалан, яқинда Юқори Чирчиқ районига қарашли Заркент қишлоғида бўлиб ўтган сайловолди йиғилишига юзлаб кишилар келишди, аммо уларнинг орасида хотин-қизлар деярли йўқ эди. Мажлисга колхоз раҳбарларининг хотинлари ҳам келишмади. Бу тарбиявий ишларни фақат хотин-қизлар ўртасидагина эмас, балки эскича дунёқарашлар ва урф-одатларга ёпишиб олган эркаклар ўртасида ҳам олиб бориш керак деган хулосага олиб келади.

—Биз,—деб давом этди докладчи,— одамлар онгидан сарқит фикрларни чиқариб ташламасдан, ичкиликбозлик, безорилик, халқ мулкига кўз олайтириш, хотин-қизларга бой-феодалларча муносабатда бўлиш каби ярамас ҳолларни буткул йўқотмасдан туриб, коммунизм қурилишидаги ғоят муҳим вазифаларни кўнгилдагидек бажараолмаймиз.

Ўзбекистон хотин-қизларининг III съездига тайёргарлик кўрилаётган ҳозирги пайтда қишлоқдаги меҳнаткаш аёлларнинг активлигини кучайтириш, корхоналар, колхозлар ва районлардаги хотин-қизлар Советларининг таъсирчанлигини ошириш зарур. Катта-катта йиғинлар, кенгашлар ва кечалар ўтказиш билангина чегараланиб қолмаслик керак. Хотин-қизларимизни нималар қизиқтиради, нималар тўлқинлантиради, уларнинг орзу-ниятлари нима? Хотин-қиз ташкилотчилар ёрдамида ана шуларни билиб олиш ва асосий ишни шунга қаратиш зарур. Бизнинг бурчимиз аёлларнинг турмушини яхшилаш, янги модалар ательелари, ошхоналар, нонвойхоналар, ҳаммомлар ва кир ювиш хоналари қуриш йўли билан уларнинг уй ишларида енгиллик туғдириш тўғрисида ғамхўрлик қилишдан иборатдир. Болалар муассасалари қурилишини жамоат контроли остига олиш, маъмурий бошқарувдан бўшаган биноларни болалар боғчалари ва яслиларига бериш лозим. Хотин-қизлар Советлари қишлоқдаги юзлаб ва минглаб меҳнаткаш аёлларни ижтимоий ва маданий ҳаётга жалб қилишда партия ташкилотларига яқиндан ёрдам берсинлар.

Бу йил областимиз меҳнаткашлари ўз зиммаларига юксак мажбуриятлар олдилар. Етти йилликнинг бешинчи йилида биз она-Ватанга 321 минг тонна пахта, 230 минг тонна каноп пояси, 600 тонна уруғлик каноп, кўплаб пилла, картошка, сабзавот, полиз экинлари маҳсулотлари, мева ва узум, сут, тухум, жун етказиб беришимиз лозим. Ҳеч шак-шубҳа йўқки, хотин-қизларимиз зиммага олинган мажбуриятларни бажаришда куч-ғайратларини сира аямасдан меҳнат қиладилар.

Докладдан сўнг қизғин мунозаралар бошланиб кетди. Мана, минбарда Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод, Янгийўл районидаги Охунбобоев номли колхознинг механик-ҳайдовчиси **Турсуной Раимова**.

— Менинг устозим Турсуной Охунова яқиндагина машина теримининг биринчи қалдирғочи бўлиб ҳисобланар эди. Ҳозирчи? Ҳозир «зангори кема»ларни бошқараётган хотин-қизларнинг сон-саноғи йўқ,—деди нотиқ,—ўтган йили областимизда 113 хотин-қиз механизатор қудратли машиналарни бошқарди. Ана шулар ичида мен ҳам бор эдим. Мавсум давомида машинада бункердан 161 тонна пахта тўкишга муваффақ бўлдим.

Ўртоқ Раимова хотин-қиз механизаторларга яхши шароитлар яратиб бермаётган айрим колхоз раисларини қаттиқ танқид қилди. Жуда кўп қизлар механизаторлар курсини битириб чиқишди. Аммо улар ўз мутахассисликлари бўйича ишламаётирлар. Чунки колхозларда уларга машиналар беришмаётир.

Мамлакатимизнинг донгдор маккажўхорикори, Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхозининг бригадири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Любовь Ли** ўз нутқини дугоналарининг ҳаёти ва ишига бағишлади.

— 1953 йилга қадар, — деди у,—бизнинг колхозимиз областнинг энг камқувват хўжаликларидан бири бўлиб ҳисобланар эди. КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленумидан сўнг колхозимиз меҳнаткашлари ишга дадил киришиб кетдилар. Янги ерларни ўзлаштирдик. Ҳозир экин майдонларимиз 3 минг гектарга етди. Биз ҳосилдорликни ошириш йўлида куч-ғайратимизни сира аямасдан меҳнат қилаяпмиз. Ўтган йили ҳар гектар ердан 47 центнердан **«оқ олтин» кўтарилди**. Бизнинг колхозчиларимиз деҳқончилик билан бир қаторда чорвачиликни ҳам бекиёс даражада ривожлантиришмоқда. Роза Квон деган аёлимиз—ажойиб сут соғувчи. У ўтган йили «арча» установкасида илғарилари бутун йил давомида соғиб олинадиган сутни ҳар 17 кун ичида соғиб олишга муваффақ бўлди.

Мен ишлаётган хўжаликда «дала маликаси»га ҳамма муҳаббат қўйган. Правление бу экинга энг яхши ерларни ажратиб берди ва махсус маккажўхорикорлик бригадаси ташкил этди. Бу бригадага бошчилик қилишни менга топширишди. Биз қандай ютуқларга эришганлигимизни ҳаммангиз биласиз, албатта. Муваффақиятларимизнинг «сир»лари ўз ишимизга виждонан қараётганимиздадир. 1953 йилдан буён маккажўхорининг ялпи ҳосилини 13 бараварга кўпайтиришга, яъни 25 минг тоннага етказишга эришдик. Бу ишга аёлларимиз жуда катта ҳисса қўшишди.

Ўтган йили бизнинг бригадамиз қошида ёш маккажўхорикорлар мактаби ташкил этилган эди. Унда Ўрта Осиёнинг ҳамма республикаларидан келган 400 киши таълим олди. Ҳозир улар бизнинг тажрибамизни ўз хўжаликларида кенг ёймоқдалар. Бундан икки ярим ой муқаддам бизнинг хўжалигимизда колхоз раисларининг бир йиллик мактаби ўз ишини бошлади. Биз ўзимиз ишлаётган колхоз кадрлар тайёрлашнинг ўчоғига айланганлиги билан фахрланмоқдамиз.

Колхозимиз экономикаси йил сайин мустаҳкамланиб бормоқда. Биз яшаётган қишлоқ шаҳардан қолишмайди. Унда 3 та мактаб, касалхона, амбулатория, стадион ва истироҳат боғи бор. Мактаб-интернат қурилиши ҳам тугай деб қолди. Колхозчиларнинг ҳаёти тобора маданийлашиб бораяпти. Ҳар бир уйда радио, телевизор, газ плитасини кўришингиз мумкин.

— Ўтган йили бизнинг район пахта ҳосилдорлиги жиҳатидан областда биринчи ўринни эгаллади, деди ўз нутқида Калинин ишлаб чиқариш бошқармаси партия комитети секретарининг ўринбосари ўртоқ **Ш. Ғаниева**, — ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда 30,2 центнердан «оқ олтин» кўтарилди. Давлатга кўп миқдорда сабзавот, картошка, мева ва чорвачилик маҳсулотлари сотилди. Ана шу вазифаларни бажаришда хотин-қизларимиз катта роль ўйнадилар. Районимизда хўжаликнинг бирор тармоғи йўқки, унда хотин-қизлар ишламаётган бўлсин. Улар эркаклар билан елкама-елка туриб далаларда ва фермаларда, маориф ва соғлиқни сақлаш тармоқларида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Районимизда 50 хотин-қиз бригада ва звеноларга бошчилик қилмоқда, 800 аёл эса чорвачилик фермаларида ишламоқда. Кейинги йилларда хотин-қизларимиз ҳаётнинг ҳамма соҳаларида активлик кўрсатабошладилар. Ҳозир бизда хотин-қизлардан 28 лектор, 78 сиёсий иқтисодни ўрганиш тўгаракларининг пропагандисти, 800 сиёсий ташкилотчи, 1.000 дан ортиқ агитатор бор. Партия маорифи тармоғининг тўгарак ва семинарларида 1600 дан ортиқ хотин-қиз таълим олмоқда.

Район хотин-қизлар Совети аёлларнинг активлигини оширишда, уларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилишда катта роль ўйнаётир. Бу совет хотин-қизларнинг ҳаёти ва турмушига алоқадор бўлган масалаларни мунтазам суратда муҳокама қилиб туради, болаларни тарбиялашда мактабларга ва ота-оналарга яқиндан ёрдам беради. Районимизда хотин-қизларнинг бирнеча маданият университети ишлаб турибди. Охунбобоев номли колхознинг хотин-қизлар маданият университетида 60 дан ортиқ колхозчи аёл таълим олмоқда. Университет тингловчиларига медицина ва маданий-оқартув темаларида лекциялар ўқиб берилаяпти.

— Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, бизнинг аёлларимиз аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатадиган ташкилотларга айрим эътирозлар билдирмоқдалар. Районимиздаги болалар муассасаларида жойлар етишмайди. Савдо, умумий овқатланиш шохобчалари ва маиший хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг сони секин ўсмоқда. Агар биз хотин-қизларнинг уйда қиладиган ишларини буткул енгиллаштиришга эришсак, улар жамият учун ҳозиргидан ҳам кўпроқ фойда келтиришлари мумкин.

«Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози 2-бўлимининг трактор-далачилик бригадаси бошлиғи ўртоқ **А. Алчиковага** сўз берилади.

— Ўтган йили, — деди у, — бизнинг хўжалигимиз давлатга пахта сотиш йиллик планини муддатидан анча илгари ошириб бажарди. Ялпи ҳосилнинг 62 процентини машиналар билан териб олдик. Сермеҳнат ишларни комплекс механизациялаштириш натижасида пахтанинг таннархини анчага камайтирдик, совхозимиз 705 минг сўм даромад қилди. Мен бошчилик қилаётган бригадада 184 гектар ернинг ҳар гектаридан 30,5 центнердан ҳосил кўтарилди. Деҳқонларимиз бу муваффақиятларни янада мустаҳкамлаш учун, 1963 йил ҳосили учун пухта замин яратмоқдалар. Далаларни шудгорлаш декабрь ойидаёқ тугалланган эди. Керагидан ҳам кўп миқдорда маҳаллий ва минерал ўғитлар жамғариб қўйдик. Ҳозир далаларимиз шиддат билан борона қилинаяпти. Бу йил ўтган йилдагидан ҳам мўл ҳосил етиштиришни мўлжаллаб турибмиз.

— Бизнинг корхонамизда фақат аёллар ишлашади, — деди конференцияда сўзга чиққан Ғазалкент консерва заводи хотин-қизлар советининг раиси ўртоқ **В. Шинкарюкова**, — барча совет кишилари каби улар иложи борича яхшироқ ва унумлироқ меҳнат қилишга интилмоқдалар. Заводимиз ишчиларидан Рўзиева, Сафина, Медякина, Зайцева сингари ўртоқлар кунлик топшириқни доимо ортиғи билан бажарадилар, маҳсулотнинг юқори сифатли бўлиши учун курашадилар. Дугоналаримиз —Ойша Рўзиева ва Осиё Абдурақуловалар ўз ишларига виждонан қарайдилар. Шунинг учун ҳам биз уларни учинчи марта маҳаллий Советларга депутатликка номзод қилиб кўрсатдик. Заводимизнинг хотин-қизлар совети меҳнаткаш аёллар ўртасида катта обрўга эга. Бизга мурожаат қилиб келадиган аёлларнинг баъзилари ўз ўғиллари ёки қизларини болалар боғчасига жойлаштиришни илтимос қилсалар, баъзилари уй шароитини яхшилашга ёрдамлашишни сўрайдилар. Хотин-қизлар советларининг аъзолари мурожаат қилиб келувчи аёлларга қўл силтамайдилар, аксинча уларга кўнгилдагидай ёрдам берадилар. Биз хотин-қизлар учун мунтазам равишда лекция ва докладлар уюштирамиз, кино ва театрларга, шаҳар четкаларига маданий юришлар ўтказамиз. Мактаблар билан чамбарчас алоқада бўламиз. Ўтган йили завод ишчиларининг 18 боласи ёмон ўқиётган эди. Хотин-қизлар советининг аъзолари ўша болаларнинг ота-оналари ва ўқитувчилари билан гаплашдилар, қолоқликнинг сабабларини аниқладилар. Эндиликда шу қолоқ ўқувчилар аълочилар даражасига кўтарилишди.

Конференция делегатлари Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод, Бўка районидаги Ильич номли колхоз аъзоси **К. Жумабоева**нинг нутқини зўр мамнуният билан тингладилар. Колхозчи аёл ўзи ва дугоналари қандай ишлаётганликларини, хўжаликни юксалтириш йўлида нималар қилаётганликларини қизиқарли мисоллар билан ҳикоя қилиб берди. Киров районидан келган врач ўртоқ **П. Бобоева** эса яқиндагина Қозоғистондан Ўзбекистон ССР составига ўтказилган ерларда хотин-қизлар қандай ишлаётганликлари ҳақида гапирди. У қозоқ аёллари номидан конференция делегатларини ишонтириб айтдики, улар бу йил янада юксак марраларни эгаллайдилар.

Калинин районидаги 27-мактаб ўқитувчиси ўртоқ **Зокирова** ўз нутқини навқирон авлодни тарбиялаш масалаларига бағишлади. У мактабда ишлаб чиқариш таълими бериш қандай ташкил этилганлиги тўғрисида батафсил тўхталиб ўтди.

Конференцияда Тошкент қишлоқ область партия комитетининг секретари **М. А. Абдураззоқов** катта нутқ сўзлади.

Залга йиғилган делегатлар хотин-қизлар ўртасида идеология ишлари олиб боришни бундан кейин янада яхшилаш, аёлларни коммунистик руҳда тарбиялашга қаратилган қарор қабул қилдилар.

Конференцияда қишлоқ область хотин-қизлар совети сайланди.

Конференция ишида Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретари **З. Р. Раҳимбобоева**, Тошкент қишлоқ область партия комитетининг секретарлари **П. В. Костриков, Қ. А. Аҳмедов**, Тошкент саноат область партия комитетининг секретари **Х. Р. Мусахонова** ўртоқлар қатнашдилар.

Хасковска
ТРИБУНА

ҲАММА НАРСА ИНСОН УЧУН

Болгария Коммунистик партияси ва халқ ҳукумати инсон тўғрисида, унинг саломатлиги, иш қобилияти ва бахт-саодати ҳақида зўр ғамхўрлик қилмоқда. Шу йилнинг ўзидагина, деди Болгария соғлиқни сақлаш ва соцнал таъминот министрининг биринчи ўринбосари Владимир Калайжиев, мамлакатда бешта янги касалхона очилиб, бу касалхоналар энг замонавий медицина техникаси билан уснуналанади. Мамлакатдаги касалхоналарда ўринлар сони бир йил ичида 49.518 тадан 51.120 тага етади. Шу вақт ичида врачлар сони 11.530 нишидан 12.175 нишига етади.

Бу йил, деб давом этди Владимир Калайжиев, 3 мингдан ортиқ янги болалар яслилари очилади. 3000 янги мавсумий ҳафталик болалар яслилари ва 200 та сут кухнялари очилади. Булар эса, қишлоқ хўжалигида ишлаётган оналар учун айниқса катта ёрдамдир.

Яқин вақт ичида, деди доктор Владимир Калайжиев, катта жисмоний нуқсонлари бўлган ёшлар учун мамлакатда биринчи интернат очилади. (ТАСС).

Суратда: Димитровграддаги химия комбинати.

БУ САҲИФАНИ „ХАСКОВСКА ТРИБУНА“ ГАЗЕТАСИ УЮШТИРГАН

ДЎСТЛАР МУСОБАҚАСИ

Совет ва болгар халқлари қўлни қўлга бериб, кишиликнинг орзу-умиди — коммунизм томон шаҳдам қадамлар билан олға бормоқдалар. Улар ўртасидаги дўстлик, ҳамжиҳатлик, биродарлик тобора мустаҳкамланиб бораяпти. Тошкент область ва Болгариядаги Хасково округи меҳнаткашларининг ўзаро мусобақаси ана шу дўстликнинг ёрқин тимсолидир.

Хасково округи меҳнаткашларининг вакиллари областимизга келиб кетишди. Улар бу ерда ишчиларимиз, пахтакорларимиз, интеллигентларимизнинг ҳаёти, меҳнати билан яқиндан танишдилар. Икки мусобақадош меҳнаткашлар ўртасидаги дўстлик ипларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилаяпти.

Биз ушбу саҳифада Хасково округи меҳнаткашларининг социализм қуриш йўлида эришаётган ютуқлари ҳақида ҳикоя қилувчи материалларни босаяпмиз.

ВАТАН ОЛТИНИ

Хасково округининг қишлоқ хўжалиги кўп тармоқлидир. Округ мамлакатнинг жанубишарқий қисмига жойлашганлиги учун бу ерда ёз иссиқ, қиш эса юмшоқ бўлади. Марица дарёси оқими бўйлаб кетган майдонларда помидор, гаримдори, бақлажон, карам пишади, олма, шафтоли, олхўри дарахтларининг шохлари меваси-ни кўтараолмай эгилиб ётади. Свиленград ва Харманли шаҳарлари районларидаги тутзорлар юзларча километрга чўзилиб кетган. Бу ерда қадим замонлардан бери ипак қуртлари боқилади. Тепаликлар ёнбағирларидаги токзорларнинг поёни йўқ.

Аммо округда етиштириладиган энг асосий экин — тамакидир. У 12 минг гектарга яқин ерни эгаллаган.

Тамаки мамлакатимизнинг олтини ҳисобланади. У экспорт қилинадиган энг муҳим маҳсулотдир. Болгария тамакини экспорт қилиб, саноат ва қишлоқ хўжалиги учун машиналар сотиб олади.

Ўтган йили округ давлатга 11 минг 760 тонна тамаки етказиб бериши керак эди. Кооператорлар эса 12 минг 25 тонна тамаки етиштириш ҳақида сўз бердилар. Улар ўз ваъдаларининг устидан чиқишди.

Тамакичиликни, айниқса ҳосилни йиғиб-териб олиш, тамаки барглари-ни ипга боғлаш ва қуритишни механизациялаш жуда қийин. Шунга қарамай айрим жараёнларни механизациялаш мумкин бўлди. Кооператорлар ва механизаторлар қишдаёқ бирқанча мосламалар яратдилар. Экин майдонларининг қатор ораларини ишлатувчи ва пушталарини суғорадиган машиналар, тамакининг ёнини юмшатувчи ва бошқа агрегатлар шулар жумласидандир.

Эртанги ва соғлом кўчатлар олиш мақсадида 30 процентга яқин тамаки поллари пластмассалар билан беркитиб қўйилди. Кўчат ўтқазишни бир группа тажрибали кооператорларга топширдилар. Улар полларни суғориш, озиқлантириш ва касаллик ҳамда зараркунандаларга қарши химикатлар пуркаш учун зарур техника билан таъминландилар. 113 гектардан ортиқ майдондаги кўчат (бу умумий майдоннинг 55 процентини ташкил этади) машиналар ёрдами билан етиштирилди.

Кооператорлар механизацияни жорий қилиб, 105 мингдан кўпроқ меҳнат кунини тежаб қолдилар ва етарли миқдорда кўчат етиштирдилар, ҳатто бошқа округларга ҳам кўчат сотишди.

Кўчатлар майдонларга жуда оғир шароитларда олиб чиқилди. Май ва июнь ойларида ёмғир деярлик ёғмади, 227 цистерна ва МТС лар, шаҳардаги бир қанча корхоналарнинг юзлаб машиналари суғоришга сафарбар этилди. Шу туфайли тамаки энг қулай вақт ичида 1 майдан 10 июнгача экиб бўлинди.

Аслини олганда ҳосил учун кураш бундан анча илгари бошланган эди. Кооператорлар кузда 11 минг 500 гектарга яқин экин майдонини сифатли шудгорладилар, кўкламда эса майдонларни культивация қилдилар. Сўнгра экинлар ўғит билан тўйдириб озиқлантирилди. Қишлоқ хўжалик зараркунандаларини йўқотиш учун самолётлардан химикатлар сепилди. Намни сақлаб қолиш учун тамакиларни уч марта. айрим майдонларда 4-5 марта чопиқ қилинди.

Буларнинг ҳаммаси ажойиб натижалар берди. Мўл ҳосил етиштирилди. Кооператорлар иккинчи сентябргача пландаги 17 миллион 830 минг ўрнига 17 миллион 832 минг тамаки боғи йиғдилар. Ҳатто сентябрь ва октябрь ойларида ҳам тамаки йиғиш давом этди. Совуқ тушгач йиғилган тамаки барглари-ни хоналарда қуритиша бошлашди. Октябрь ойи охиригача округда 19 миллион 700 минг боғ ёки 13 минг 500 тонна тамаки йиғиб олинди. Мажбуриятдагидан ташқари 1,5 минг тонна тамаки етиштирилди. Чернодуб қишлоғидан Малуск Тодоров, Каснаково қишлоғидан Кирил Латев ва Добрь Димов, Надежда қишлоғидан Грудь Христов ва Пеня Петковлар илғор тамакичилардир.

Кооператорлар ва механизаторлар тамакичиликдаги муваффақиятларини партиянинг Саккизинчи конгрессига бағишладилар.

Димитр ЗАПРЯНОВ,
агроном, газета қишлоқ хўжалик бўлимининг мудири.

ЮКСАЛИШ РАҚАМЛАРИ

● Халқ ҳокимияти ғалабасигача Хасково округида бирорта ҳам саноат корхонаси йўқ эди. 1947 йилда «Вулкан» давлат цемент комбинатининг биринчи печи ёқилди. Димитровграднинг жанубида бузилма болгар-совет дўстлигининг самараси — химия комбинатининг корпуслари қад кўтарди.

● Тўқимачилик саноати йил сайин тез суръатлар билан ривожланмоқда. 1944 йилда округда 210 тонна пахта толаси тайёрланган бўлса, 1961 йилда 2 минг тоннадан кўпроқ ишлаб чиқарилди. 1962 йилда пахта толаси тайёрлаш 2 минг 550 тоннага етди.

● Халқ ҳокимияти йилларида соғлиқни сақлаш ҳодимлари сони бир неча баравар кўпайди. Врачлар сони 1944 йилдагига қараганда 14,4, тиш врачлари 25,7, медицина ҳамширалари 48.3, акушерналар 18,3 марта ортди.

1944 йилгача округда 320 ўринлик иккита шаҳар касалхонаси бор эди, ҳозир 1250 ўринлик еттита шифохона мавжуд.

● Қишлоқ хўжалиги бундан ўн беш йил муқаддам аянчли аҳволда эди, буни қуйидаги рақамлар яққол кўрсатади: 1947 йили округда ҳар бири 15 от кучига эга бўлган 4 та трактор бор эди, холос. Ҳозир эса асосий қишлоқ хўжалик ишларининг 85 проценти механизациялаштирилган. Округимиз пахтачилик марказидир. Ҳозир бир йилда 11 минг 200 тонна пахта ҳосили етиштирилаяпти.

● Халқ маорифида мактабнинг турмуш билан алоқасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилаяпти. Мактабларда 174 кабинет, 14€ устахона, 75 географик майдончалар, 58 зоологик бурчаклар ва ишлаб чиқариш участкалари, 42 физкультура зали ва майдончаси, 32 оранжерея жиҳозланган.

МАЛУСКА

1962 йилнинг ёзи жуда иссиқ келди. Қурғоқчилик ернинг тинкасини қуритди, ундаги сўнгги сув томчиларини ҳам сўриб олди. Тамаки майдони четида турган Малуска Димитрова иссиқдан ёрилиб кетган ер юзига хомуш боқарди. «Тамаки энди нима бўларкин?» юраги ўйнарди унинг.

Малуска звеноси ҳар гектар ердан 1500 килограммдан тамаки етиштириш ҳақида жуда юксак мажбурият олиб, барча хўжаликларнинг тамакичиларини мусобақага чақирган эди. Эндиликда қилган барча меҳнатнинг зое кетаяпти.

Ҳамма тамакини экиб олишга аёллар озмунча, меҳнат сарфламадилар. Қор эримасданоқ тамаки поллари тайёр бўлган эди. Уларга уруғ сепишди. Кўчат нихолларини совуқ урмасин учун поллар устига пластмассалар ёпишди. Наҳотки барча кўчатлар нобуд бўлса?

— Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас!— қатъий гапирди ўзига-ўзи звено бошлиғи.— Барибир ҳосилни сақлаб қоламиз.

Уйга томон борар экан қилинадиган ишлар режасини тузарди, у: «Аввало суғориш керак, қўл биланми, челаклар ёки лейкалардами, ҳар қандай қийинчилик билан бўлса ҳам суғориш керак. Битта ёки иккита цистерна олинса, галаба таъминланган бўларди-я».

Малуска звенодаги дугоналарига ўз ўй-фикрларини бирма-бир айтди. Унинг гаплари ҳаммага маъқул тушди.

— Шу бугуноқ ишга киришайлик,—таклиф қилди аёлларнинг бири.— Шундай қурғоқчиликда ваъдамизнинг устидан чиққанимизни кўришса бошқа кооператорлар ҳайратда қолишади.

Малуска норози бўлгандай қошларини чимирди.

— Ҳайратда қолишади дейпсанми? Фақат биз етиштирган тамакининг давлатга қанчалик ҳам фойдаси тегар эди? Звеномизнинг бор-йўғи 48 гектарлик ери бўлса, бу денгиздан томчи-ку!

Звено бошлиғи округ тамакичиларини қурғоқчиликка қарши курашга чақириш звеносининг бурчи эканлиги ҳақида гапирди.

— Фақатгина суғориш керак эмас,— деди у,— тамакини бирнеча марта чопиқ қиламиз, озиқлантирамиз. Ўшандагина ваъданинг устидан чиқиш мумкинлигига шубҳа қилмаса ҳам бўлади.

Малуска звеноси аъзолари бўлган 12 хотин-қиз Хасково округи тамакичиларини ҳосилни сақлаб қолиш учунгина эмас, шу билан бирга мўл ҳосил олиш учун курашга чақирдилар. Бу ватанпарварлик чақириғи ҳаммани ҳаяжонга солди. Биринчи куни Малуска звеноси аъзолари тамакини суғориш ва чопиқ қилишга чиққан бўлса, эртасига Чернодуб қишлоғининг кооператорлари, сўнгра округнинг барча тамакичилари курашга отландилар. Улар тамакиларни суғордилар, ўғитладилар, чопиқ қилдилар. Тамакичиларнинг бундай гайрат-шижоатига қурғоқчилик ҳам чидаш бермади. Мўл ҳосил етиштирилди. Кооператорлар Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетига ҳар гектар ердан 1000 килограммдан тамаки ҳосили етказишга ваъда беришган эди, амалда 1030 килограммдан ҳосил олинди. Энг ҳосилдор йилларда ҳам бундай юксак кўрсаткичларга эришилмаган эди. Малуска звеноси ҳар гектар экин майдонидан 1600 килограммдан тамаки йиғди.

Ҳозирги вақтда Хасково округида Болгариянинг жанубий чегарасидаги Чернодуб қишлоғилик Малуска Димитрови билмайдиган бирорта ҳам кооператор йўқ. Димитрованинг партия сафига ўтганига энди икки йил тўлди ва у Болгария Компартиясининг саккизинчи конгресси ишида иштирок этишга муяссар бўлди. У ўзининг меҳнатсеварлиги, ғайрати ва ташаббускорлиги билан Хасково округи коммунистларининг ишончини қозонди.

Петропка ТЕХОВА.

Малуска Димитрова

ҚАРДОШЛИК САМАРАЛАРИ

Утган йилнинг октябрь ойи охирида Хасково округида совет комсомоллари делегацияси меҳмон бўлди. ВЛКСМ Марказий Комитетининг секретари Абдулраҳмон Вазиров унга раҳбар эди. Меҳмонлар Димитровграддаги химия комбинати билан танишиб чиқишгач, завод ошхонасида овқатланиб ўтиришаркан делегация раҳбари ўз таассуротларини айтиб берди.

— Комбинатингиз жуда яхши экан! — деди Вазиров.

— Гапингиз тўғри, — жавоб берди шаҳар комсомол комитетининг секретари Йордан Бирнов, — лекин биз комбинатни совет дўстларимиз билан бирга қурдик. Бу корхона бизнинг Совет Иттифоқи билан дўстлигимизнинг самарасидир.

Шундан сўнг ана шу дўстлик шарафига қадаҳ кўтаришни таклиф қилди у.

Дўстлик учун қадаҳ кўтариш! Бундан 18 йил илгари шундай қилганингизда қаттиқ жафо тортиш мумкин эди. Фашистлар истилосига азоб чекаётган халқимиз совет халқлари, социализм қурилишлари ҳақида баралла гапираолмас эди. Совет жангчиларининг ёрдами билан қўлга киритилган озодлик бизга бахтли ҳаёт келтирди, қашшоқликни бартараф этди.

Янги заводларнинг пойдеворларини қўйиш, бой руда қатламларини очишга киришилган заҳотиёқ совет кишилари болгарларга ёрдам қўлини чўзишди. Уларни округимиз қурилишларида ҳам кўриш мумкин эди. Бу ерда, Марица дарёси соҳилларида болгарлар Советлар мамлакатидан келган ўз дўстлари билан ҳамкорликда бўлажак химия комбинати пойдеворига бетон ётқиздилар, уй-жойлар қурдилар. Болгар ишчилари шу дарё соҳилларида ленинградлик қувноқ, чарчамас, электр пайвандчи Лидия Кудрявцева билан дўстлашдилар. У химия комбинатида биринчи газ гальдерининг ҳалқасини пайванд қилди.

Уша вақтда — 1952 йилда совет инженери Москвин ҳам Димитровградга келди. У инженерларимизга электр агрегатларининг ишини таништирди. Ромашов, Кирш, Кравченко, Дурас, Духовенский ва бошқа совет мутахассислари химия комбинати қурилишида иш. тирок этдилар.

Ҳозир бу комбинат Болгариянинг энг йирик химия корхонаси хисобланади, у мингдаб тонна азот ўғитлари, суперфосфат, сульфат, аммиак ва турли-туман дори-дармонлар ишлаб чиқаради. Округимиз катта қурилиш майдонини эслатиб турган вақтда Родопга совет геологлари ҳам келишди. Улар Арда дарёси яқинида маъдан конларини очдилар. Бу ерда ҳозир янги Маджарово шахтёрлар посёлнаси қад кўтарган.

Совет кишилари, шунингдек, «Студен кладенец» сув омборини, «Маришка ҳавзаси»нинг тошкўмир шахталарини қуришда ёрдам бердилар.

Ҳозир округимиз ва мамлакатимизнинг бойишига хизмат қилаётган шу янги қурилишларни тилга олар эканмиз, баралла шундай деймиз: бу иншоотлар оғаларча дўстлик қурилишлари, чинакамига қардошлик меваларидир.

Георги КАРАКАЧАНОВ.

Зиёга интилиш

Сўнгги 10-15 йил ичида ўлкамиз кишиларининг турмуши таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Хасково округи мамлакатнинг қолоқ ярим хароба қисмидан қудратли саноат ва замонавий механизациялашган деҳқончилик ўлкасига айланди. Меҳнаткашларнинг турмуш шароити яхшиланди, улар ўзларининг бўш вақтларини мазмунли ва қизиқарли ўтказадиган бўлиб қолишди. Димитровград шахтерлари ўзларининг оркестри ижро этган симфония музикасини тинглаяптилар. Вигларово қишлоғи кооператорларининг рақс группаси бор, Хасково халқ театри областнинг турли шаҳарларида спектакллар кўрсатмоқда.

Маданият ишчи ва кооператорларнинг турмушига мустаҳкам сингиб кетган. Округда 2 минг радиоаппарат ва 27 минг репродуктор бор. Радиостанциямизнинг овози энг чекка жойларга ҳам етиб боради.

Округда кутубхонаси йўқ қишлоқни топиш қийин. Китоб турмушимизнинг ажралмас қисми бўлиб қолди, кишиларнинг кундалик ишида уларга кўмак бермоқда.

Кўпчилик қишлоқларда янги маданият уйлари қурилди. Харманлидаги маданият уйи шинам ва кенг. Унда катта зал, кутубхона ва репетициялар учун хоналар бор.

Бадиий ҳаваскорлик тўгаракларининг кўпминг кишилик армияси борлиги санъат меҳнаткашларга қадрдон бўлиб қолганлигини кўрсатувчи яна бир далилдир. Ҳозир округда 20 дан ортиқ симфоник оркестр, бир қанча музика коллективлари бўлиб, улар ўз санъатлари билан шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашларини ҳурсанд қиляптилар. Хасководаги «Қадрдон қўшиқ» хори округдагина эмас, ундан ташқариларда ҳам машҳур. У бир неча марта ёрликлар, призлар билан мукофотланди, аммо омманинг сахий олқишлари унинг учун энг яхши мукофотдир, албатта.

Ҳар йили, аввал округ бўйича, сўнгра эса миллий миқёсда бадиий ҳаваскорларнинг кўриги ўтказилади. Хор ва оркестрлар, драматик, эстрада ва рақс группалари ҳамда айрим ижро этувчилар ўз маҳоратларини намойиш қиладилар. Фақатгина ўтган йили 323 коллективга бирлашган 14 минг 150 ҳаваскор артистлар бадиий ҳаваскорлар кўригида иштирок этишди.

Шунингдек округ территориясида иккита профессионал театр бўлиб, улар Хасково ва Димитровградда жойлашган. Бу театрлар ҳақиқатан ҳам икки шаҳарнинг маданий ўчоқлари ҳисобланади. Театрлар кўяётган пьесалар репертуари ҳар йили кенг муҳокама қилинади. Репертуарда классик ва замонавий болгар пьесалари, совет драматургларининг асарлари бор. Ўтган йили Димитровград театри саҳнасида совет драматурги А. Штейннинг «Астория отели» пьесаси муваффақият билан қўйилди, яқингинада эса Хасково театрида Левь Шейннинг «Қоидаларсиз ўйин» пьесаси саҳналаштирилди.

Округ театр ҳаётида яна бир ўзгариш бўлаяпти, иккала театр округнинг чет жойларида ўз филиалларини очмоқда. Театрлар чекка жойларда ўзларининг барча пьесаларини, айрим вақтларда премьералар кўрсатишади.

Округ педагогларининг ижодий ғайратлари ҳам барқ урмоқда. Ўтган йили Харманли мактабларининг ўқитувчилари Липецк областидаги (СССР) ўз ҳамкасбларининг ижобий тажрибаларини жорий қилабошладилар. Бунинг натижаси чакки бўлгани йўқ. Ҳозирги вақтда бутун мамлакатдан илмий ходимлар, педагоглар Харманлига келиб бу ердаги ўқитувчиларнинг ишлари билан танишмоқдалар.

Яқинда Хасково шаҳрида ижодкор ёшлар учун маданият арбоблари клуби очилди. Унинг эшиклари ҳамма учун кенг очиқ. Клубда адабиёт, рассомчилик, музика ўрганиш бўйича бир қанча секциялар бор. Клуб аъзолари бирга йиғилиб, адабиёт ва санъатнинг ўзларини қизиқтирган масалаларини муҳокама қилишади, ўртоқларининг асарларига баҳо беришади. Адабиёт секцияси энг яхши ишлаётган секцияларнинг биридир.

Хасково округи аҳолисининг маданий турмуши ҳақида яна кўп гапириш мумкин. Лекин, кишиларнинг маданиятга интилаётганлигини, маданият турмушимизга мустаҳкам кириб бораётганлигини юқоридаги мисолларнинг ўзи ҳам равшан кўрсатиб турибди.

Иван НИКОЛОВ.

БОЙЛИКЛАР ЎЛКАСИ

(ХАСКОВО ОКРУГИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ГЕОГРАФИК ОБЗОРИ)

Хасково округи Радоп тоғларининг шимоли-шарқий этакларида Марица дарёси ҳавзасида жойлашган. У Туркия ва Греция билан чегарадош, бу эса округнинг сиёсий аҳамиятини белгилайди, у социалистик мамлакатларнинг дарвозасидир. Стамбул-София халқаро йўлида ҳар куни икки қитъа — Европа ва Осиё мамлакатларидан юзлаб юк ва пассажир автомашиналари қатнайди. Капиталистик мамлакатлардан келган пассажирлар Хасково округида «темир парда орқасидаги» ҳаёт ҳақида дастлабки таассуротларни олади. Шуни айтиш керакки, бу таассуротлар буржуа пропагандаси таъсири остида уларда ҳосил бўлган фикрдан тамомила фарқ қилади. Округимиз ерига қадам босган хорижийлар жуда ҳам ҳайратда қолганликларини айтишади. Бешта шаҳаримиз ва 197 та қишлоғимиз бир-лан жуда юзаки танишиб чиқилганда ҳам янги заводлар, уйлар, магазинлар кўзга ташланади.

Округ экономикасида саноат ва қишлоқ хўжалиги бир-бири билан узвий боғланган. Халқ ҳокимияти йилларида Совет Иттифоқининг оғаларча ёрдами билан бир неча завод ва термик электр станциялари қурилди. Бу корхоналар республика саноатида етакчи роль ўйнамоқда, уларда тайёрланаётган маҳсулотларнинг бир қисми экспорт қилинмоқда. Димитровградни ҳақли равишда округнинг индустриал юраги деб аташади. Бу ерда асбест-цемент комбинатининг гигант печлари ишлаб турибди. Шаҳар мамлакатда энг бой Маришск тошкўмир ҳавзасига жойлашган.

Округ бир йилда 270 миллион левликдан кўпроқ саноат маҳсулоти — 2 миллион 100 минг тонна кўмир, 261 минг 500 тонна азот ўғитлари, 434 минг 400 тонна фосфор ўғитлари, 137 минг 500 тонна сульфат кислотаси, 527 минг тонна цемент, 8 минг тонна сабзавот консервалари беради.

Қишлоқ хўжалигида 160 минг гектар ерга экин экилади, тамаки, пахта, сабзавот ва пилла етиштириш асосий ўринда туради. Ўтган йили 82 миллион левликдан кўпроқ қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, жумладан 12 минг тонна тамаки, 12 минг тонна пахта, 11 минг тонна узум, 10 минг тонна мевалар, 19 миллион дона тухум, 6 миллион литр сут, 3 минг тонна гўшт, ўнларча минг тонна помидор ва гармдори етиштирилди.

Округ пойтахти Хасково шаҳрида 60 мингга яқин аҳоли яшайди, унда тамаки, йигирув корхоналари, ипак йигирув фабрикаси, машинасозлик заводи бор. Шу билан бирга Хасково маданий марказ сифатида ҳам машҳур, бу ерда симфоник оркестрли давлат театри, ёзги театр, учта киносалон, педагогика институти, бир қанча политехника ва ўрта мактаблар, ўнга яқин қишлоқ хўжалиги, экономика, медицина, электротехника, пазандачилик ва бошқа техникумлар бор.

Округнинг иккинчи йирик шаҳри Димитровграднинг қиёфасини саноат корхоналари белгилайди. Бу корхоналарнинг айримларини юқорида айтиб ўтдик. Булардан ташқари яна консерва заводи, йирик панелли қурилиш конструкциялари комбинати, иккита электростанция маҳсулот бераяпти. Шаҳарни маданият маркази деб ҳам айтиш мумкин. Унда давлат театри, химия ва қурилиш техникумлари, бешта киносалон ва бошқа маданий муассасалар бор.

Маджарово округининг энг кенжа шаҳаридир. У руда қазиб чиқариш саноати ривожланган Радопларда жойлашган. Маджарово саралаш фабрикасида ўнларча минг тонна қўрғошин-рух ва мис концентратлари қайта ишланмоқда.

Хасково округининг бойлиги битмас-туганмасдир. Биз ҳозирги вақтда ана шу бойликлардан тўла ва рационал фойдаланаётганмиз, буларнинг ҳаммаси совет кишилари туфайлидир. Улар ўзларининг бегараз ёрдамлари билан Ватанимизнинг гуллаши ва яшнашига катта кўмак бермоқдалар.

Округнинг иқтисодий-географик картаси.

Тодор КОЛАРОВ,
Газетанинг масъул секретари.

ХАЛҚ ДИЛИГА МОС АСАРЛАР ЯРАТАЙЛИК

САНЪАТИМИЗ ЁРҚИН БЎЛСИН

Ҳаммамизга маълумки 1962 йил 17 декабрда Партия ва ҳукумат раҳбарлари, шахсан Н. С. Хрушчев Москва рассомлари виставкасини бориб кўриб, у ерга қўйилган асарларда йўл қўйилган қатор камчиликларни қаттиқ танқид қилишган эди. Манежда очилган бу кўргазмада бадиий юксак тасвирий санъат асарлари билан бир қаторда ҳаётни, воқелигимизни қора кўзойнак орқали кўрувчи абстракционистларнинг тушиниш қийин бўлган ажи-бужи бўёқлар чаплаган ғоясиз, мазмунсиз ва дидсиз ишланган «асар»лари ҳам қўйилган эди. Лекин совет тасвирий санъатида реализмнинг ашаддий душмани бўлган абстракционизм санъатининг тарафдорлари фаолияти ҳали кенг томир отмасидан уларга кескин, узил-кесил зарба берилди, шу муносабат билан мамлакатимизда санъат поклиги, ҳаққонийлиги ҳақида оммавий муҳокама бошланиб кетди.

Виставкани бориб кўрганлар ҳайкалтарош Э. Неизвестнийнинг «Қисқичбақа», «Вайрон қилинган классика», «Отбой» номли тоза мисдан ишланган, аммо ғоясиз ва бемантиқ асарларидан нафратландилар. Абстракционист рассомлардан Б. Жутовскийнинг «Автопортрет», «Пўлат қуювчи», В. Шорцининг «Космонавтлар», «Дарё кўриниши», Бергернинг «Она», Соболевнинг «Барабанчи», «Генерал», Л. Грибковнинг «1917» ва шу каби бошқа асарларида совет кишиларининг турмуши бузуқ, бемаъни тасвирланганлиги ҳамманинг ғазабини қўзғатди. Бу «асар»ларда ҳақиқий инсон образи, унинг устки ва ички маънавий қиёфаси бузиқ ва мавҳум тасвирланган.

Абстракционист рассомлар ўзларини гўё «новатор» деб эълон қилиб, халқ дидига, талабига мос келмайдиган, ғарб санъатининг бемаъни, тутуриқсиз расмлари каби асарлар яратиб, тушунган ҳолда халқни чалғитишга, санъатни тўғри йўлдан четга чиқаришга ҳаракат қилганлар.

Биз, реалист рассомларнинг шарафли бурчимиз ҳозир ва доимо доҳимиз В. И. Ленининг:

«Санъат халқникидир. Санъат кенг меҳнаткашлар оммаси ўртасида чуқур илдиз отиши керак. Санъат бу оммага тушунарли ва севимли бўлиши лозим. Санъат бу омманинг ҳисси, фикри ва иродасини бирлаштириши, уни илҳомлантириши зарур», деган доно фикрига амал қилган ҳолда ижод қилишликдан иборат. Ана шу юқорида айтилган доҳимиз В. И. Лениннинг ҳаққоний гапларини ҳаммавақт ёдда сақлаб келаётган Ўзбекистон рассомларининг ижоди ҳам кўп йиллардан буён формалистик идеядаги асарларнинг яратилишига қарши кураш олиб бориб, реалистик позицияда қаттиқ турган ҳолда шаклланди, ўсди. Бунинг ёрқин далили қилиб ўзбек мўйқалам соҳиблари ижодларининг республика ва Бутуниттифоқ кўргазмаларини кўрсатиб ўтсак бўлади.

Талантли рассом П. Беньков Ўзбекистонга келган вақтданоқ ўзининг ёрқин полотноларида ҳаётни ҳаққоний акс эттиришга, ўзбек халқининг турмушини, уларнинг яшил ишкомлараро жилваланган ҳовли-жойларини нозик ва тиниқ бўёқларда гавдалантиришга жазм этди. Унинг «Дугоналар» полотноси ўткир новаторлик ва юксак дид билан яратилган асар бўлиб, ўзбек тасвирий санъатида эришилган катта ютуқдир.

Республикамиз табиатининг жўшқин куйчилари бўлган Ўрол Тансиқбоев, Н. Караханлар ҳам новатор рассомлардир. Улар ўлкамиз манзараларини шоирона, мадҳ этувчи полотнолари билан тасвирий санъатимиз ҳазинасини бойитдилар.

Юқорида номлари зикр қилинган таниқли мўйқалам соҳиблари билан бир қаторда бу соҳада М. Саидов, В. Жмакин, В. Соседов, М. Ковинин, З. Иноғамов ва бошқа рассомлар ҳам анча унумли ва жўшқин асарлар яратмоқдалар. Бу талантли ёш санъаткорларнинг ижодлари давримиз талабига мос, замонавий руҳ билан суғорилган.

Совет кишилари ёрқин келажак учун тинмай курашаётган, меҳнат қилаётган бир пайтда рассомларимиз ҳам ўз асарлари билан коммунизм қурилишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Ана шундай қизгин бир даврда ҳаётни бўяб кўрсатувчи абстракционист рассомларнинг номаъқул асарларининг намойиш қилиниши жамоатчиликни қаттиқ ранжитмоқда.

Бизнинг ўзбек миллий тасвирий санъатимизга абстракционизмнинг совуқ нафаси тегмаган. Бу бизни қувонтиради. Лекин ҳали бизнинг санъатимиз шу билан партия, халқ ва замон талабига тўла жавоб бераяпти деб бўлмайди. Бизда ҳали катта ҳаётий масалаларни қаламга олиш, тасвирлаш ўрнига майда-чуйда темаларга ўралашиб қолиш, ҳаётий муҳим воқеаларни юзаки ифодалаш ҳоллари учрамоқда. Бунга В. Волковнинг «Куз. Ҳосил кўтариш» ва А. Ульконинг «Афсона» картиналарини мисол қилиб кўрсатсак бўлади. Бу асарлар мазкур рассомларнинг ҳаётни чуқур билмасликлари, тасвирий маҳоратнинг етишмаслиги, янгилик яратаман деб ҳақиқатдан узоқлашишлари орқасида нурсиз, бадиий бўш, суюқ мазмунли асарлар бўлиб қолган.

Ҳали бизнинг айрим рассомларимиз ижодида тематик асарлар яратишдан четлашиш ҳоллари учраб туради. Республикамизда яшаб ижод қилаётган рассомлар томонидан ҳали ўзбек пахтакорларининг ҳаёти ва меҳнатини тараннум этувчи чуқур маънавий ва тўла қонли йирик полотнолар яратилганича йўқ.

Портрет — тасвирий санъатнинг муҳим соҳаси ҳисобланади. Лекин бу жанрда ҳам қаҳрамон замондошларимизнинг ҳаққоний образини кўрсатиб берувчи, уларнинг маънавий дунёсини ва қалб гўзаллигини улуғловчи асарлар кам ишланмоқда. Ҳа‹ ; бизда рассомлар эътиборидан четда қолиб келаётган темалар ҳам бор, жумладан, ахлоқ, совет оиласи каби темаларда бадиий пишиқ, ҳаққоний санъат полотнолари яратиш халқ ва замон талаби бўлиб қолмоқда.

Биз, совет рассомларининг олдимизда турган асосий вазифа партия ва ҳукуматимизнинг кўрсатган ва кўрсатаётган йўл-йўриқларидан четга чиқмай замонга мос, коммунизм қураётган ижодкор совет кишиларига маънавий озиқ берувчи, уларни меҳнатга чорловчи асарлар яратишдир.

Раҳим АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон халқ рассоми.
Толиб ОДИЛБЕКОВ,
санъатшунос.



Москвада яна бир магистраль—Янги Арбат пайдо бўлади. Суратда: Янги Арбат қурилишининг макети.
А. Стужин фотоси.
(ТАСС фотохроникаси).

СОВЕТ ТАШҚИ СИЁСАТИ— ТИНЧЛИК СИЁСАТИ

Н. С. ХРУШЧЕВ НУТҚИ ТЎҒРИСИДА БАЁН ҚИЛИНГАН ФИКРЛАР

СССР — ТИНЧЛИК ТАЯНЧИ

СОФИЯ, 27 февраль. (ТАСС). Болгариядаги барча радиостанциялар Н. С. Хрушчевнинг Москва шаҳар Калинин сайлов округи меҳнаткашлари йиғилишида сўзлаган нутқининг баёнини бугун кечқурун эшиттирдилар. Н. С. Хрушчевнинг нутқи Болгария аҳолиси ўртасида жуда катта қизиқиш туғдирди.

Болгариянинг машҳур жамоат арбоби, София давлат университетининг профессори Борис Спасов ТАСС мухбирига бундай деди: Бу нутқ бутун инсониятнинг, шу жумладан болгар халқининг ҳам эътиборини жалб этди.

— Бутун ер юзидаги оддий кишилар Н. С. Хрушчевнинг ҳар бир сўзига астойдил ишонадилар, чунки Н. С. Хрушчев уларнинг тинчликда яшашдан иборат асл орзу ва тилакларини ифода этади.

Совет Иттифоқи, деди Б. Спасов, тинчлик ва барча халқлар бахтли истиқболининг ҳамиша содиқ, қудратли таянчи бўлиб, келди ва шундай таянч бўлиб қолади. Н. С. Хрушчевнинг бугунги нутқи барча кишиларнинг қалбида тинчлик иши тантана қилажагига яна катта ишонч туғдирди.

МУҲИМ ТЕМА

НЬЮ-ЙОРК, 27 февраль. (ТАСС). Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг сайловчилар олдида сўзлаган нутқи йиғилиш бошланишидан анча илгариёқ АҚШда зўр қизиқиш ва эътибор билан кутилар эди.

Телеграф агентликлари бугун «бош министр Хрушчевнинг муҳим нутқ сўзлаши» кутилади, деб ўз обуначиларини огоҳлантирдилар. Агентликлар Н. С. Хрушчев ўз нутқини сўзлай бошлаганидан сал пайт ўтиши биланоқ Совет ҳукумати бошлиғи нутқининг батафсил баёнини маълум қила бошладилар. Бу нутқ тўғрисидаги хабарлар «молния» ва «шошилинч» деган рубрика остида тарқатилди.

Юнайтед Пресс Интернейшнл агентлигининг Москва мухбири юборган ҳисоботлардан бирида Н. С. Хрушчев нутқининг Совет Иттифоқи иқтисодий соҳада эришган муваффақиятлари тўғрисида сўз борган қисми асосий тема қилиб олинган.

Н. С. Хрушчевнинг нутқи тўғрисидаги хабарларда Совет Иттифоқи энг муҳим проблемаларни, шу жумладан ёппасига ва батамом қуролсизланиш, Германия сулҳ шартномасини тузиш, ядро қуроли синовларини тўхтатиш каби проблемаларни тинч ҳал этишга тайёр эканлиги ҳақида унинг айтган гаплари ҳам алоҳида таъкидланади. Н. С. Хрушчевнинг тинч-тотув яшаш сиёсати бирдан-бир оқилона сиёсатдир деган сўзларига алоҳида эътибор берилади.

АСОСИЙ МАҚСАД

БУДАПЕШТ, 28 февраль. (ТАСС). Калинин сайлов округи сайловчиларининг йиғилишида Н. С. Хрушчев сўзлаган нутқ Венгрияда зўр қизиқиш билан кутиб олинди.

Бугун Венгриядаги ҳамма газеталар Н. С. Хрушчев нутқининг баёнини босиб чиқарди. «Непсава» газетаси нутқнинг баёнини биринчи саҳифада: «Совет ташқи сиёсатининг асосий йўли — тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашдан, тинч-тотув яшаш принципларини барқарор қилишдан иборат» деган катта сарлавҳа остида босиб чиқарди.

ОҚИЛОНА ЙЎЛ

ОТТАВА, 27 февраль. (ТАСС). Канаданинг кечқурунги газеталари, шунингдек радио ва телевидение станциялари Н. С. Хрушчевнинг сайловчилар йиғилишида сўзлаган нутқи тўғрисидаги хабарларида қуйидагиларни таъкидлайди: ракета-ядро қуроли асрида тинч-тотув яшаш бирдан-бир оқилона сиёсатдир. Хабарларда Совет ҳукумати бошлиғи агар империалистлар атом урушини бошлайдиган бўлсалар, уларнинг ўзлари бу уруш ўти ичида куйиб кул бўладилар, деб огоҳлантирганлиги қайд қилиб ўтилади.

Матбуот ва радио Совет ҳукуматининг ёппасига ва батамом қуролсизланиш тўғрисидаги шартномани имзолашга доим тайёр эканлигига алоҳида эътибор бермоқда.

Жамоатчилик эътиборида

ҚОҲИРА, 28 февраль. (ТАСС). Қоҳиранинг ҳамма газеталари бугунги сонларида СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчевнинг Кремлдаги Съездлар саройида сайловчилар йиғилишида сўзлаган нутқи тўғрисидаги батафсил хабарларни босиб чиқардилар.

Газеталар Н. С. Хрушчевнинг Совет Иттифоқи ёппасига ва батамом қуролсизланиш тўғрисидаги шартномани ҳар доим имзолашга тайёр эканлиги тўғрисидаги ва хавф-хатар рўй берган тақдирда Совет Иттифоқининг ўз дўстларига кўмаклашиб, агрессорларга қақшатғич зарба беражаги тўғрисидаги гапларини алоҳида таъкидлайдилар.

Дунёнинг бир куни

ВАРШАВА ШАРТНОМАСИДА ҚАТНАШУВЧИ МАМЛАКАТЛАР МУДОФАА МИНИСТРЛАРИНИНГ КЕНГАШИ

ВАРШАВА, 28 февраль. (ТАСС). Бугун бу ерда Варшава шартномасида қатнашувчи мамлакатлар мудофаа министрларининг кенгаши тамом бўлди.

Кенгашда армияларнинг аҳволига таааллуқли галдаги масалалар ва 1963 йилда қўшинларнинг жанговар тайёргарлигини координациялаш тадбирлари планлари қараб чиқилди.

Масалалар тамомила ҳамжиҳатлик ва бирлик руҳида муҳокама қилинди.

СССРнинг беғараз ёрдами билан

КОЛОМБО, 28 февраль. (ТАСС). СССР билан Цейлон ўртасида иқтисодий ва техника ҳамкорлиги тўғрисидаги битим имзоланган куннинг беш йиллиги муносабати билан «Даваса» газетаси махсус илова билан чиқди.

Газета иловасининг бош қисмида Цейлон саноат министри Майтрипал Сенанаякенинг мактуби берилган. Сенанаяке Цейлонни индустрлаштириш жуда катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади ва Совет Иттифоқининг бу соҳада Цейлонга кўрсатаётган катта ёрдами тўғрисида гапиради. Министр металлургия ва шина заводлари қурилиши совет мутахассисларининг ёрдами билан графикда кўрсатилганидан жадал суръатлар билан олиб борилаётганлигини мамнуният билан қайд қилади.

«Даваса» газетасининг иловасида босилган мақолаларда ҳозирги вақтда металлургия ва шина заводлари қурилишида олиб борилаётган ишлар тўғрисида гапирилади. Совет Иттифоқидан талайгина миқдорда қурилиш техникаси ва машина-ускуналар олинди. Қурилишда Цейлон ишчилари ва мутахассислари билан биргаликда совет инженерлари ва техниклари ҳам меҳнат қилмоқдалар. Цейлон металлургларининг биринчи группаси СССРдаги металлургия корхоналарида ўқимоқда. Цейлон металлургларининг иккинчи группаси яқин орада СССРга жўнайди.

Шина заводи қуриш учун чакалакзорларда майдон тайёрланди ва 21 февралда корхонанинг пойдеворига тантанали суратда биринчи ғишт қўйилди.

Газета хабар беради: СССР корхоналарида практика ўтиш учун шина корпорацияси ишчилари, инженерлари ва техникларидан 90 киши танлаб олинди.

Мақолаларнинг авторлари қуйидагиларни таъкидлайдилар: Цейлон шу вақтгача ўз каучугини тамомила деярли чет элларга юборишга ва каучукдан ясалган буюмларни, шу жумладан шина ва покришкаларни чет эллардан сотиб олишга мажбур бўлиб келди ва бунинг учун кўп миқдорда валюта сарфлади. Шина заводи қурилиши тамомланганидан кейин Цейлон шина ва покришкаларга бўлган эҳтиёжларини тўла қондира олади ва ҳатто уларни экспорт қила олади.

УРУГВАЙ АРМИЯСИ ВА ПОЛИЦИЯСИ «ТАРТИБНИ ТИКЛАМОҚДА»

Уругвай ҳукумати Монтевидео электриклари ва телефонистларининг бир ҳафтадан буён давом этаётган забастовкасини «қонунга хилоф» деб эълон қилди. Иш ташловчилар олдига ультиматум тарзида шундай талаб қўйилди: миллий ҳукумат кенгаши қабул қилган махсус декрет эълон қилинганидан кўп деганда 12 соат ўтгач, улар иш бошлашлари керак. Ҳарбий қисмларга ва полицияга «тартибни тиклаш» учун забастовка қатнашчиларини қамоққа олиш ва мамлакат пойтахтидан сургун қилишгача ҳар қандай жазо чораларини кўриш буюрилди.

Матбуот ҳабарларига қараганда, электриклар ва телефонистлар касаба союзининг биноси солдатлар ва полициячилар томонидан ишғол қилинган. 500 дан кўпроқ киши қамоққа олинган.

СИНФИЙ КУРАШ АВЖ ОЛМОҚДА

ИШЧИЛАР ЎҚҚА ТУТИЛДИ

Колумбияда яна ишчилар қони тўкилди. Ҳарбий қисмлар 23 февралда Санта-Барбара қишлоғидаги «Эль-Кайро» цемент заводининг иш ташлаган ишчиларига қарши ўт очдилар. Бу заводнинг ишчилари меҳнат шароитининг яхшиланишини ва иш ҳақининг оширилишини талаб қилган эдилар. Пренса Латина агентлигининг хабар беришича, 11 ишчи ўлдирилган ва 42 ишчи ярадор қилинган.

Колумбия пойтахти — Богота шаҳрининг меҳнаткашлари Санта-Барбарадаги «қонли шанба» тўғрисида хабардор бўлишлари биланоқ, ишларини ташлаб, кўчаларга чиқдилар. Норозилик намойишида 10 мингга яқин ишчи ва студент қатнашди. Солдатлар ва полициячилар намойишчиларга қарата ўт очдилар. Бир киши ўлдирилди ва бир неча киши ярадор қилинди. Намойиш қатнашчиларининг кўпи қамоққа олинди.

ДАНИЯ МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ ТАЛАБИ

Данияда янги коллектив шартномалар тузиш тўғрисида олиб борилаётган музокараларга кейинги кунларда бош министр Е. О. Краг бошчилигидаги ҳукумат ҳам аралаша бошлади. Бу музокаралар натижасиз тамом бўлди.

Ишчилар иш ҳақини ошириш ва меҳнат шароитини яхшилаш тўғрисидаги талабларининг қондирилишини қаттиқ талаб қилмоқдалар. Корхона эгалари ишчиларнинг бу талабларини рад этдилар. Ҳозир рўй берган аҳвол умумий забастовкага айланиши мумкин.

АМЕРИКА ИШЧИЛАРИ ИШ ТАШЛАДИЛАР

Невададаги атом синовлари полигонида ишловчи 500 ишчи иш ташлади. Иш ташловчилар корхона эгалари касаба союз ҳуқуқларини бузаётганликларига қарши чиқмоқдалар.

ЎЗБЕКИСТОН ШАХМАТЧИЛАРИНИНГ ҒАЛАБАСИ

Бундан тўрт йил муқаддам ўтказилган СССР халқлари иккинчи спартакиадасида ўн учинчи ўринда қолган шахматчиларимиз шу йилнинг август ойида Ватанимиз пойтахти Москвада бўладиган СССР халқлари учинчи спартакиадасида яхшироқ кўрсаткичга эришиш ниятидадирлар.

Бир томондан, яхши ният — ярим молку-я, лекин ният қилиш билангина чегараланиш ярамайди, албатта. Ниятга етиш йўлида пухта тайёргарлик кўриш, командамизни ташкил этувчи номи «кичик» шахматчиларимизни ўз тенгилари билан бир қаторда ленинградлик, украиналик, эстониялик «зўр»лар билан ҳам муваффақиятли беллаша оладиган даражада курашга шайлаш лозимлиги ҳаммага аён. Ана шу тайёргарлик ишлари республика шахмат федерацияси томонидан ишлаб чиқилган план асосида бирин-кетин амалга оширилмоқда ва улар ижобий натижалар бермоқда.

Спартакиада программасига мос ҳолда тузилган ўн кишидан иборат республика терма командасининг яқинда Латвия, Литва ва Эстонияга қилган сафари фойдали тадбирлардан бири бўлди. Маълумки, Болтиқ бўйи шахматчилари Иттифоқ миқёсида кучлилардан ҳисобланадилар. Масалан, Латвия командаси тўртинчи, Эстония еттинчи, Литва саккизинчи ўринларни эгаллайдилар. Улар билан куч синашмоқ жўн иш эмаслигини сезган ҳолда, бу учрашувларга биз жиддий тайёргарлик кўрдик. Биринчи учрашувимиз Ригада. Латвия шахматчилари билан ўтказилди. Латвия командаси аъзоларининг ярмисини таниқли спорт мастерлари Гипслис, Клован, Зилбер, Петерсон ва Кобленц ташкил этганлиги бизни унчалик чўчитмаган бўлса-да, кучлар нисбатидаги фарқ ўз вазифасини ўтади. Ўзбекистон командаси иккала матчда ҳам 3:7 ҳисобида мағлубиятга учради. Команда аъзолари мавжуд имкониятлардан тўла фойдалана олмадилар. Биз бу сабоқдан ўзимизга тўғри хулоса чиқариб Литва ва Эстония шахматчилари билан бўлган учрашувларда бошқачароқ тактика тутишга қарор қилдик. Тактикамиз — кучли рақиблар бўлган учрашувларда доимо кескин позициялар барпо қилиш ва ўзимизнинг тактик маҳоратимизни иложи борича дурустроқ намойиш қилишга интилиш эди. Биринчи тўрт аъзоси мастерлардан иборат Литва командаси ўзбекистонликлар билан бўлган икки учрашувда ҳам мағлубиятга учраганлиги биз томондан қўлланган тактиканинг ёрқин тантанаси бўлди. Литвада чиқадиган газеталардан бири бу мағлубиятни «Литвалик шахматчиларнинг қора куни» деб атади. Ҳисоб бизнинг фойдамизга 12:8 бўлди. Биз охирги матчларни Таллинда, эстониялик шахматчилар билан ўтказдик. Уларнинг командасида тўртта спорт мастери қатнашди. Эстонияликлар биринчи матчни 4:6, иккинчисини эса 4,5:5,5 ҳисобида бой бердилар. Малака жиҳатидан уччала Болтиқ бўйи республикалари шахматчиларидан орқада бўлган бизнинг командамиз олти матчнинг тўрттасида ғолиб чиқди. Очиғини айтганда, биз бунчалик муваффақиятга эришамиз, деб ўйламаган эдик.

Командамиз составида спорт мастери Муҳитдинов, мастерликка кандидатлар Хасидовский, Мухин, Бударин, Бирбрагер, Малиничев, Пинчук биринчи разрядлилар Козулеева, Ниёзбекова ва Артамоновалар бор эди. Айниқса Бударин, Бирбрагер, Пинчук яхши натижага эга бўлдилар.

СССР халқлари учинчи спартакиадасига тайёргарлик кўраётган шахматчиларимиз масъулиятли синовдан жуда яхши ўтдилар.

М. МУҲИТДИНОВ
Ўзбекистон шахмат федерациясининг раиси, СССР спорт мастери.

Тошкент янгиликлари

„ЛОЛА"ГА КЕЛИНГ!

Барвақт очилган қайси тоғдаги ёки боғдаги лола экан деб зинҳор ўйламанг. Биз айтмоқчи бўлган «Лола» гул эмас, балки пойтахтимизнинг «Правда Востока» кўчасида ташкил қилинган хотин-қизлар кийимлари салонидир. Бу ерда аёлларимизни гул-лоладай очиб юборадиган кийимлар тикилади. Бу — республикамизда биринчи ихтисослаштирилган салон.

140 дан ошиқ қўли гул тикувчилар янги салонда иш бошлайдилар. Улар орасида Н. Ғуломова, М. Муллаев, К. Китаева, М. Саидхўжаева каби силлиқ, бежирим, чиройли кийимлар тикиб кўпчилик ҳурматини қозонган усталар бор.

Шинам қилиб жиҳозланган салонда турли кийимларнинг нусхаларига кўзингиз тушади. Бу ерда ҳохлаган материалингизни танлаб, йилнинг тўрт фаслида кийиладиган либосларни ўзингизга ёққан нусхада тиктиришингиз мумкин.

«Лола» салони дид билан кийинадиган хотин-қизларимизга уларнинг байрами арафасида муносиб совға бўлди.

Г. СОЛИҲОВА.

Чемпион ўзгарармикан?

Эртага «Пахтакор» стадионида жойлашган марказий шахмат клубида Ўзбекистон биринчилигининг финал мусобақаси бошланади. Бу шундай мусобақаларнинг йигирма саккизинчисидир. Қатнашчилар орасида Ўзбекистоннинг бир неча марта чемпиони, СССР спорт мастери А. Грушевский, мастерликка кандидатлардан Тошкентнинг уч марта чемпиони А. Хасидовский, Г. Бударин, Е. Мухин, И. Бирбрагер, андижонликлар Э. Каримов, И. Назаров ва бошқаларнинг борлиги бўлажак кескин курашлардан далолат бермоқда. Юқорида номлари келтирилган мастерликка кандидатлар кейинги ойларда ўтказилган йирик мусобақаларда кўпгина мастерларни ҳам енгиб, ютуқларга «мазахўрак» бўлиб қолдилар. Улар А. Грушевский учун чемпионлик йўлида кучли «ғов» бўлиша олармикан?

М. МАМАЖОНОВ.

Заводда музей куни

«Ташсельмаш» заводида Ўзбекистон ССР Фанлар академияси тарих музейи ходимлари томонидан «Музей куни» ўтказилди. Республикамиз тарихига бағишланган бу музей кунида завод цехларининг қизил бурчаклари одатдагидан гавжум бўлди. Музей ходимларидан тарих фанлари кандидати Аҳмад Хаиров, старший илмий ходимлар Бобожон Жабборов, Саттихон Эшонхонов, Нафиса Муқаддамова ва бошқалар «Ҳозирги ва аввалги Тошкент», «Ўзбекистон территориясидаги янги археологик қазилмалар», «Тошкент шаҳрининг олтин калидлари», «Шарқнинг улуғ олимлари» каби темаларда қизиқарли лекциялар ўқидилар.

Р. РАЖАБОВ.

Кўчат ўтқазиш авжида

«Кўплаб мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазамиз!» — Янгийўл ишлаб чиқариш бошқармасидаги «XIX партсъезд» колхозининг миришкор боғбонлари ана шундай шиор остида ишлаб, баҳорги кўчат ўтқазиш ишларини кенг қулоч оттирмоқдалар.

Колхоз боғбонлари бу йил 2000 туп узум, 1300 туп олма, 2 минг туп ўрик, анор, олхўри ва шафтоли кўчатлари ўтқазишни мўлжаллашган. Ҳозиргача йўл четларига 4 минг тупдан ортиқ терак, колхоз боғига эса 5 минг туп тут ва 1 минг туп шафтоли кўчатлари ўтқазилди.

— Боғбонларимиз, — дейди колхоз боғ бригадири ўртоқ А. Абдухолиқов, — ўтган йили 55 гектар ердаги боғдан 20 минг сўмдан ортиқ даромад олдилар. Бу йил боғимизни янги ўрик ва олмазорлар ҳисобига 8 гектарга кенгайтирамиз. Дастурхонимиз бу йил янада ноз-неъматга тўкин бўлади. Боғбонларимиз бу йил 600 центнер олма, 360 центнер узум етиштириш йўлида жонбозлик қилишмоқда. Кўчат ўтқазиш ишларида эса Н. Қорабоев, Т. Исломов, А. Умеров, А. Саидаҳмедова ва Қ. Қўзибоев сингари колхознинг жонкуяр аъзолари боғнинг бир чиройига ўн чирой қўшиб, бошқаларга меҳнатда намуна бўлишмоқда.

С. ЕҚУБОВ,
Х. ИКРОМОВ.

ТЕЛЕВИЗОР ● ЭЪЛОН ● КОНЦЕРТ ● ТЕАТР ● КИНО

ЭКРАНЛАРДА

2 МАРТДА
БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.00 — Кинофильм (болалар учун). 18.20 — **Шеъриятдан бир шингил** (ёшлар учун).

Ўзбек тилида: 18.30 — **Ҳамма сайловга.** 18.55 — **Телевизион янгиликлар.** 19.10 — **Концерт** (сайловчилар учун).

Рус тилида: 20.10 — **Телевизион янгиликлар.** 20.25 — **Концерт** (сайловчиларнинг талабига мувофиқ). 21.30 — **Чет эл кинохроникаси,** 21.40 — **Поезд шарққа йўл олди** номли кинокомедия.

Фильмдан кейин — **Сўнгги ахборот** (ўзбек ва рус тилларида).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 19.30 — **Ташаббус қўллаб-қувватланди.**

Ўзбек тилида: 19.50 — **Зирапча** номли бадиий фильм.

САҲНАЛАРДА

(Кечки спектакллар соат 7 яримда бошланади).

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 2/III да **Трубадур,** 3/III да кундуз **Этик кийган мушук,** кечқурун **Боғчасарой фонтани.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 2/III да **Гамлет,** 3/III да **Олов.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 2/III да **Кимга тўй, кимга аза,** 3/III да **Нурхон.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— РСФСРда хизмат кўрсатган артист **В. Оскал-Оол** раҳбарлигида Тува артистлари группасининг гастроли.

Кино

Барон Мюнхенгаузен — «ВАТАН», НАВОИЙ номли, «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Болали уй — «ИСКРА» (кеч соат 5 дан), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (жуфт соатларда).

Муз кўчди — «ИСКРА» (кундуз соат 4.20 минутгача).

Ҳаво извозчиси — «СПУТНИК» (тоқ соатларда), «ВОСТОК» (эрталаб соат 10, кундуз 2 ва кеч 10 да).

Салом, Гнат — «МИР» (кундуз ва кечқурун), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 10 ва кеч 6 да).

Ҳарбий жиноятчилар — КИНОЛЕКТОРИЙ (кундуз ва кечқурун).

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
2, 3 мартда,
13, 14, 15, 19, 20, 21 мартда ЭСТРАДА ТЕАТРИДА
Ўзбек давлат эстрадаси солисти
ФАХРИДДИН УМАРОВ

КОНЦЕРТЛАРИ

Концертларда: Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист **Муҳаммаджон Мирзаев** ва солистлар қатнашади.

Программани **Ғулом Тожиаълоев** олиб боради.

Концерт кеч соат 8 да бошланади. Касса кундуз соат 2 дан очилади.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА
3 март
кундуз соат 12 да
2 БЎЛИМДА

БАЙРАМ КОНЦЕРТИ

Концертда: Ўзбекистон ССР халқ артисти **Маҳмуджон Ғафуров,** Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Фароғат Раҳматова, Тамара Назарова,** солистлардан **Адиба Мирзаева, Райхон Тўраева, Марям Каримова, Гулсара Ёқубова, Суръат Пўлатов, Йўлдош Муллабоев, Тожи Мелиев, Йўлдош Эргашев** ва бошқалар қатнашади.

Программани Ўзбекистон ССР халқ артисти **Раззоқ Ҳамроев** олиб боради. Билетлар сотилмоқда.

ТОШКЕНТ ТРИКОТАЖ ФАБРИКАСИГА

«МГ» трикотаж машинасида ишлаш учун 4-разрядли **тўқувчи аёллар, тикувчилик инженер-технологи**

керак

Мурожаат учун адрес: Новоульяновская кўчаси, 50-уй.

5-декабрь кўчаси, 164-уйда турувчи **Ғолибжон Қобилжонович Мусахоновнинг** Казанская кўчаси, Рўмол тупик, 17 уйда турувчи Саида Саидовна Мусахонова (Аҳмадбекова)дан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район халқ судида кўрилади.

Куйбишев шоссе 3-тупик, 31-уйда турувчи **Яшин Тошпўлатович Қаюмовнинг** шу тупикдаги 13-уйда турувчи Екатерина Алексеевна Қаюмовадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Ленин район халқ судида кўрилади.

Юқори Чирчиқ район, Думалоқ қишлоқ советидаги «Қизил ту» колхозида турувчи **Фотима Раимқулова (Маралова)нинг** шу қишлоқ советидаги Фрунзе номли колхозда турувчи Аристанбек Раимқуловдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент область, Юқори Чирчиқ район халқ судида кўрилади.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентских промышленного и сельского областных комитетов КП Узбекистана, Ташкентского горкома КП Узбекистана, промышленного и сельского областных Советов депутатов трудящихся.

Бизнинг АДРЕС: Тошкент, „Правда Востока" кўчаси, 26-уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 29004, редактор ўринбосари — 25885. Секретариат — 34808. Партия турмуши бўлими — 26232. Пропаганда ва совет қурилиши бўлими — 28761. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040. Адабиёт ва санъат, маданият, саноат, транспорт ва маҳаллий ахборот бўлимлари — 33786. Хатлар бўлими — 34048. Илғор тажрибаларни пропаганда қилиш штатсиз бўлими — 31.936. Эълонлар бўлими — 28142.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси.

Р. 06739. ИНДЕКС 64695 А. — 1541.